

КИРИШ

Ҳозирги кунда бутун дунёда ахборот коммуникация технологиялари (АКТ) кенг кўламда ривожланмоқда. Шубҳасиз, таълим жараёнига янги ахборот технологияларини киритиш зарурдир. Таълим жараёнига ахборот технологияларини жорий этиш борасида Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш ҳақида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 июндаги “Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги”ги Фармони тасдиқланди [3-4].

Ахборот технологиялари жадал ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларини эътиборга олган ҳолда таълим порталларини яратиш, масофали ўқитиш технологияларини ўқув жараёнига жорий этиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Шу мақсадда яратилиши лозим бўлган Тошкент ахборот технологиялари университет қошидаги 2-академик лицейнинг динамик веб сайтини яратиш ва интернет тармоғида кўриш орқали амалга оширилиши, ўқувчиларни билим даражаси ошишиги олиб келади ва АКТ янгиликларини бемалол сайт орқали ўқишлари мумкин.

Биттирув малакавий ишида Тошкент ахборот технологиялари университет қошидаги 2- академик лицей веб сайтини яратиш масаласи **мақсад** қилиб қўйилди. Ушбу мақсадли масалани ечишда қуйидаги **вазифаларни** амалга ошириш лозим:

- Интернет, унинг ҳозирги замонавий АКТ муҳитидаги ўрни ва асосий тушунчаларини ўрганиш;
- Веб тенологиянинг асоси бўлган HTML гиперматнли тили ҳақида тушунчага эга бўлиш;
- РНР дастурлаш тилининг имкониятларини ўрганиб чиқиш;
- Маълумотлар базаси билан ишлаш ва уни бошқариш;

- Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги 2-сон академик лицей веб сайтини тармоқда жойлаштиришда унинг web-сервери техник ва дастурий таъминотига қўйиладиган талабларни келтириш.

Битирув малакавий иши Кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан ташкил топган. Ишнинг асосий матни 80 бетдан иборат.

Биринчи бобда Таълим муассасасида веб порталларнинг ўрни ва аҳамияти ўрганилди. Шундан келиб чиқиб, битирув малакавий ишининг асосий мақсади ва масаланинг қўйилиши ҳам баён этилган.

Иккинчи бобда Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги 2-сон академик лицей веб сайтини яратиш технологияси келтирилган.

Учинчи бобда Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги 2-сон академик лицей веб сайтининг амалий тадбиқи кўриб чиқилган. Хулосада Битирув малакавий ишининг асосий натижалари баён этилган. Иловада дастур кодлари келтирилган.

1. ТАЪЛИМ МУАССАСАСИДА ВЕБ ПОРТАЛЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

1.1. Таълим муассасасининг электрон ахборот-таълим муҳити ва уни шакллантириш тамойиллари

Таълим ислохотларининг замонавий босқичи жамиятда юз бераётган янгиланишларнинг тезкорлиги, таълим муассасаларига қўйилаётган янги, янада юқори талабларга тезроқ мослашиш билан боғлиқ долзарб вазифаларни илгари сурмоқда. Бундай шароитларда таълим муассасасини ривожлантириш ва замон талаблари даражасида фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган тадбирлар салмоғи узлуксиз ортиб боради. Қўйилаётган вазифаларнинг деярли барчаси тамойил жиҳатдан янги талабларни келтириб чиқаради ва уларни ҳал қилишда жамоанинг фақатгина мавжуд тажриба асосида иш кўриши етарли бўлмай қолади. Таълим муассасаларини бошқариш назарияси ва амалиёти борасидаги тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, замонавий шароитда таълим муассасасини бошқариш ундаги ахборотлар алмашинувини бошқариш билан бевосита боғлиқ бўлиб қолмоқда. Бу ўз навбатида таълим муассасаси фаолиятини такомиллаштиришда ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш ҳисобига эришиш мумкинлигини кўрсатади ва бу йўналишда мақсадли изланишлар олиб бориш заруриятини келтириб чиқаради.

Таълим муассасасининг электрон ахборот таълим муҳитини яратиш соф техник масала бўлиб қолмасдан, балки бунинг учун муассасанинг илмий-методик, ташкилий ва педагогик имкониятларини тизимли ёндашув асосида ишга солиш талаб этилади.

Фикримизга кўра, «электрон ахборот-таълим муҳити» тушунчасини аниқ бир мақсадга йўналтирилган ўқув жараёнини таъминловчи дастурий, ахборот-техник, ўқув-методик тизимлар мажмуидир, деб таърифлаш мумкин.

Электрон ахборот-таълим муҳити қуйидаги типологик белгиларга кўра тавсифланади:

1. Ҳар қандай даражадаги электрон ахборот-таълим муҳити тизимлилик табиатига эга мураккаб тузилмали объект бўлиб ҳисобланади.

2. Электрон ахборот-таълим муҳитининг яхлитлиги тизимлиликка эришиш тушунчаси билан бир маънони, уларнинг уйғунлигини аниқлаб, ўқув муассасаси битирувчисининг шахсий ва касбий моделини амалга оширишдаги таълим-тарбия мақсадларини ўзида мужассамлаштиради.

3. Электрон ахборот-таълим муҳити таълим ва тарбия ишларининг самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омил бўлиши билан бирга унинг воситаси ҳамдир.

Шу билан бир қаторда, ахборот-таълим муҳитини таърифлашда бир қанча ўзаро фарқ қилувчи қарашлар мавжуд, жумладан:

– шахс билан таълим муҳитининг субъект сифатида узвий боғланган ахборот, техник, ўқув-методик таъминотнинг тизимли ташкиллаштирилган мажмуаси;

– анъанавий ҳамда электрон ахборот ташувчилар, виртуал кутубхоналар, тақсимланган маълумот базалари, ўқув-методик мажмуаларини мужассамлаштирувчи компьютер, ахборот ва коммуникация технологиялари интеграцияси асосида қурилган ягона ахборот таълим муҳити.

Фикримизга кўра, ахборот таълим муҳитини яратишда ва уни бошқаришда тизимли ёндашувни жорий қилиш талаб этилади. Ушбу ёндашувнинг дастлабки босқичида замонавий таълим мазмунига мос равишда таълим муассасаси ахборот-таълим муҳити мақсади белгиланади. Педагогик фаолиятда таълим мақсади тизимлаштирувчи вазифани бажаради. Айнан белгиланган мақсад таълим мазмуни, мақсади, ташкилий шакллари танлаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Замонавий таълимнинг мақсади – мутахассис модели талабларига мос равишда шакллантириладиган билим, кўникма ва малакалар тизимидан таркиб топиб, у тегишли таълим

стандартларида ўз аксини топади. Бундан ташқари республикамиз Кадрлар тайёрлаш миллий модели талабларига кўра талаба шахси педагогик жараён объектигина бўлиб қолмасдан, унинг субъектига ҳам айланиб бормокда. Бундай ҳолатларда талаба мустақил таълимнинг аҳамияти ортади ва қуйидаги кўникма ва малакаларни шакллантириш талаб этилади:

1. Мустақил таълим олишни режалаштириш кўникма ва малакалари:

- мустақил фаолият юритишнинг шахсий режасини тузиш;
- режа асосида мақсадли фаолият юритиш;
- ўз фаолиятини назорат қилиб, унга зарур тузатишлар киритиб бориш.

2. Интернет илмий ҳамда ўқув ахборотларидан фойдалана олиш кўникма ва малакалари:

- илмий ва ўқув ахборотлари мустақил аниқлаш;
- янги ахборотларни мустақил таҳлил қилиш ва баҳолай олиш;
- ҳал этилиши лозим бўлган муаммо нуқтаи назаридан Интернетдан ахборот манбаларини қидириш ва топиш;
- олинаётган ахборотлар мазмунидаги янги ва истиқболли янгиликларни кўра олиш.

3. Электрон ахборот-таълим ресурслари устида ишлаш кўникма ва малакалари:

- электрон қўлланмалар ва каталоглардан тизимли равишда фойдаланиш;
- Интернетдан олинган илмий, ўқув ва бошқа адабиётлар рўйхатини библиография қоидалари асосида юрита олиш.

4. Замонавий ахборот технологиялари воситалари орқали тақдим этилган маърузаларни ўзлаштириш кўникма ва малакалари:

- маърузалар мавзуси ва режасини, адабиётлар рўйхатини белгилаб олиш;
- тақдим этилган ахборотларни тўғри қабул қилиш;
- асосий муаммо, ғоя ва хулосаларни ажрата олиш;

- асосий мазмунни ўз сўзлари билан қисқача ёзиб олиш;
- тақдим этилган ахборотларни қайта ишлаш, сақлаш ва улар мазмунини таълимий мақсадларда қўллаб бориш.

5. Электрон дарслик билан ишлаш кўникма ва малакалари:

- электрон дарслик билан умумий ҳолатда танишиш, унинг муаллифи, мазмуни, хулосаси, иллюстрациялари ҳамда аннотацияларини билиш;

- электрон дарсликнинг мантиқий тузилмасини ажратиб олиш;

- ўрганилаётган мавзунини тўлақонли тушуниб олиш учун қўшимча қўлланмалар: анимация, луғат, энциклопедия, маълумотномалардан фойдалана олиш;

- олинган маълумотларни тезислар, конспектлар кўринишида қайд этиб бориш.

Электрон ахборот-таълим муҳити қуйидаги учта асосий вазифаларни бажаради:

- ташқи муҳит субъектларига замонавий ахборот технологиялар ёрдамида таълим муассасасининг ахборот-таълим муҳити тўғрисида тасаввур ҳосил қилишга ёрдамлашиш;

- таълим муассасаси ходимларининг ўзаро ҳамкорлигини ошириш ва ўзаро ахборот-таълим ресурслари алмашиши муҳитини юзага келтириш;

- таълим муассасасида ахборот-таълим муҳити воситалари орқали самарали ахборот алмашинувини ташкил этиш ва бошқариш.

Таълим муассасасида ахборот-таълим муҳити мақсадини белгилаш учта жараённинг даврий кетма-кетлигини эътиборга олган ҳолда амалга оширилади:

- биринчи даврда муҳитни таҳлил қилиш натижалари ўрганилади;

- иккинчи даврда – мос равишда амалга ошириладиган тадбирлар белгилаб олинади;

- учинчи даврда бевосита таълим муассасасининг ахборот-таълим муҳити мақсади ишлаб чиқилади.

Олий педагогик таълим муассасасида электрон ахборот-таълим муҳитининг мақсади бўлажак ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар билан бевосита боғлиқ ҳолда ишлаб чиқилади. Ўз навбатида бўлажак ўқитувчи шахсини шакллантиришда олий педагогик таълим муассасасини битиргандан кейинги меҳнат фаолияти давомида доимий равишда ўз-ўзини ривожлантириб боришига қаратилган сифатларни таркиб топтиришга алоҳида эътибор қаратилади. Шу ўринда, таъкидлаш жоизки республикамизда амалга оширилаётган таълим ислохотлари «касб» тушунчасига янгича талқинда қарашни талаб этмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий модели талабларига кўра замонавий касб эгаси тайёр касбий билимлар тўпламини эгаллаганлиги билан эмас, балки касбий жиҳатдан ривожланишга хизмат қилувчи қобилиятларга эгаллиги, ўз касбий даражасини таҳлил қила олиши, жамият ва ишлаб чиқаришнинг янгиланиб бораётган талабларига мос равишда янги билимларни ўзлаштиришга тайёрлиги билан тавсифланади. Санаб ўтилган сифатлар асосини бутун умр давомида янги билимларни эгаллаш орқали узлуксиз касбий тайёргарликни амалга оширишга қаратилган ривожланиш жараёни ташкил қилади.

Замонавий ахборот технологиялари муҳитида таълим мазмунини такомиллашганлик даражаси бу каби талабларга жавоб бера оладиган мутахассисни тарбиялаш муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Ахборотлашган жамиятда таълим мазмуни деганда эгалланиши талаб этиладиган илмий билимлар, амалий кўникма ва малакалар, шунингдек, дунёқарашни шакллантиришга қаратилган таълимий ғоялар тизими тушунилиб, унинг таркиб топишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

- жамият эҳтиёжлари;
- соҳа олимларининг замонавий методологик қарашлари;
- илмий-техник тараққиёт (замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари воситалар ҳамда тизимлари);
- таълим тизимининг ўзида юзага келувчи, таълим сифати, замонавийлиги ҳамда оммавийлигини таъминлашга қаратилган эҳтиёжлар.

Замонавий ахборот технологиялари негизидаги таълим мазмуни куйидаги мезонлар асосида шакллантирилади:

- таълим мазмунининг замонавий фан ютуқлари даражасига мослиги;
- ўқув материали мураккаблик даражасини билим олувчиларнинг амалдаги имкониятлари, қўлланилаётган ахборот технологиялари билан мувофиқлиги;
- мазмун ҳажмини ўзлаштириш учун ажратилган вақт миқдорига мослиги;
- халқаро тажрибаларнинг инобатга олинганлиги;
- бўлажак педагогни келажакдаги касбий фаолиятида фойдаланадиган техник ҳамда дастурий воситалар, ахборот ҳамда телекоммуникация технологияларини ўзлаштириши.

Бугунги кунда таълим соҳасини ривожлантиришда педагогик ходимлар малакасини оширишда илғор технологиялар ҳамда таълим воситаларини қўллаш билан боғлиқ қатор муаммолар мавжуд. Ахборотлашган жамият эндиликда ўқитувчига талабаларнинг ўқув фаолиятини бошқарувини амалга ошириш имкониятини берувчи янги шарт-шароитларни юзага келтирди. Ўқитиш жараёни ўқитувчи ва таълим олувчининг ўзаро ҳамкорлиги тамойиллари асосида қурилади, буни такомиллаштириш учун замонавий педагогик ҳамда ахборот технологияларини мукамал даражада эгаллаш талаб этилади. Бундан ташқари замонавий ахборот технологиялари ўқитувчига қатор муҳим вазифаларни амалга оширишни тақозо этади – энди ўқитувчи нафақат ўз мутахассислиги йўналишида, балки мавжуд ўқитиш концепциялари, методика соҳасидаги илғор йўналишлар, билишнинг психологик хусусиятлари, ўқитишда замонавий ахборот технологияларининг имкониятларини билиши лозим. Бу вазифани муваффақиятли амалга ошириш учун эса малака ошириш тизимининг самарали фаолият кўрсатиши, соҳадаги илғор таълим методлари ва шакллари татбиқ қилиш борасида доимий равишда иш олиб борилишини тақозо этади.

Ўрта махсус таълим муассасалари ўқувчилар билим даражаларини ошириш ва ахборотларга бўлган эҳтиёжларини тўлалигича таъминлашга қаратилган ва электрон ахборот-таълим муҳитини юзага келтириш тақозо этилмоқда. Электрон ахборот-таълим муҳитида ҳар бир ўқитувчининг ўз малакасини ошириш борасидаги мустақил таълими ҳал қилувчи аҳамият касб этиб, бунда улар малака ошириш йўналиши, ўрганиладиган фанлар, мустақил таълим олиш манбаларини танлаш имкониятига эга бўладилар.

Ахборотлашган жамият талабларини ўзгаришига мос ҳолда таълим муассасаси электрон ахборот-таълим муҳитининг такомиллашиб бориши бугунги куннинг объектив заруриятидир. Ахборот таълим муҳитини такомиллашиб бориши қуйидаги бошқарув вазифаларининг бажарилишини тақозо этади:

- белгилаб олинган мақсадларга мос равишда устувор йўналишларни белгилаб олиш;

- танланган мақсад ҳамда таълим муассасасидаги жараёнларнинг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш.

Ҳар қандай мақсадни амалга ошириш жараёнини бошқариш ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқиш даражасида аниқлаштириб олиш талаб этилади. Ишлаб чиқилган мақсадлар асосида муассаса ахборот-таълим муҳитининг тизимларини ривожлантириш дастури шакллантирилади ва уларнинг рўёбга чиқарилиши орқали мутахассисларни шахсга йўналтирилган ёндашув талаблари асосида самарали тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар яратилади.

Шундай қилиб, педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш педагогик таълимнинг электрон ахборот-таълим муҳитини, интеграллашган ахборот-таълим ресурсларини яратишни таълим сифатини оширувчи омил сифатида тадқиқ этишни тақозо этади.

1.2. Веб порталларни яратишда унга қўйиладиган талаблар ва коцептуал тамойиллари

Таълим тизимини ислоҳ қилишнинг муҳим йўналишларидан бири ахборот-коммуникация технологиялари билан ўқув жараёнини тизимли интеграциялаш ҳисобланади. Бунда ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг мазмунини тубдан янгилаш, ахборот-коммуникация технологиялари муҳитида ўқитувчининг педагогик фаолияти ва талабанинг таълим олиш жараёнини ташкил этиш стратегик масала сифатида намоён бўлади.

Илмий-техник тараққиётнинг ривожланаётган босқичида ахборотларнинг кескин кўпайиб бораётганлиги ва улардан ўқитиш жараёнида фойдаланиш учун вақтнинг чегараланганлиги таълим тизимида янги технологияларни жорий этишни тақозо этмоқда. Таълим мазмунини такомиллаштиришнинг йўналишларидан бири таълим олувчилар учун мустақил таълим олиш имкониятлари, таълимнинг ахборот манбаларини шакллантириш ва ривожлантириш учун зарур шароитларни яратишдан иборатдир. Таълим-тарбия жараёнларининг асосини юқори сифатли ва юқори технологияли муҳит ташкил этади. Унинг яратилиши ва ривожланиши техник жиҳатдан мураккаб саналсада, аммо бундай муҳит таълим тизимини такомиллаштиришга, таълимда ахборот технологияларини туб маънода жорий этишга хизмат қилади.

Замонавий ахборот технологиялари ўқувчилар учун маълумотларни етказиш, сақлаш, қидириш каби жараёнларда катта имкониятга эга. Ҳозирда ўрта махсус таълим муассасаларида электрон шаклда кўплаб ахборот-таълим ресурслари яратилган, аммо улардан фойдаланишда тизимли ёндашув мавжуд эмас. Бу, биринчи навбатда, илмий-методологик базанинг, таълим жараёнида замонавий ахборот технологияларини қўллаш бўйича етарли малака ва кўникманинг йўқлиги, методик муаммоларнинг тўлиқ ҳал этилмаганлиги билан боғлиқ. Таълим жараёнига ахборот технологияларини

жорий этилиши борасида муваффақиятлар мавжудлигига қарамасдан, эришилган натижалар тарқоқ шаклга эга.

Бизнинг фикримизча, таълим-тарбия жараёнларини ахборотлаштиришни ривожлантириш йўналиши турли таълим ахборот ресурсларининг бирлаштирилиши орқали ахборот-таълим муҳитларини яратиш билан бевосита боғлиқ. Бундай муҳитни ташкил этишда, аввалом бор, таълим муассасаларида ахборотлаштиришни ташкил этиш, яъни барча ўқув, маъмурий ва хўжалик хизматларни, кутубхона ва бошқарув бўлимларини ягона тармоққа бирлаштириш, уларни ИНТЕРНЕТ тизимига чиқиш имкониятларини яратиш, таълим муассасида ўқув жараёнини назорат қилиш, ҳужжатлар электрон алманишувини ташкил этиш, ахборот технологиялари негизида махсус ўқув-методик мажмуаларни яратиш орқали талабаларнинг мустақил таълим фаолиятини ташкил этиш каби вазифаларни амалга ошириш зарур бўлади. Ҳозирда бундай вазифаларни бажаришда портал технологияларини яратиш орқали ахборот-таълим ресурсларидан фойдаланишни ташкил этиш мумкин. Таълим муассасининг ягона ахборот-таълим муҳитини ривожлантиришнинг муҳим йўналиши сифатида ўқув жараёнида ахборот ва телекоммуникация технологияларидан фойдаланиш ҳисобланади. Ахборотларни тизимлаштириш ахборот-таълим ресурсларидан фойдаланишни енгиллаштиради. Ахборот-таълим порталларининг яратилиши ахборотларни мантиқий тартиблаш ва тизимлаштиришга ёрдам беради.

Шу муносабат билан биринчи навбатда қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш зарурияти мавжуд деб ҳисоблаймиз:

- эришилган ижобий натижаларни умумлаштириш ва ривожлантириш асосида билим соҳалари бўйича таълимнинг ягона ахборот-таълим порталларини яратиш;
- узлуксиз таълим тизимида фаннинг ягона ахборот-методик таъминотини амалга ошириш имкониятини берувчи фан порталларини яратиш;

- таълим муассасаси ёки унинг бўлинмалари сайтларини ахборот-таълим сайти сифатида ишлаб чиқиш;
- ахборот-таълим порталининг ресурсларидан ўқув жараёнида фойдаланиш методикаларини ишлаб чиқиш.

Шундай қилиб, ўқув жараёнига мўлжалланган, интеграллашган ахборот-таълим ресурсларига эга порталларни яратишга катта эҳтиёж мавжудлиги яққол намоён бўлади.

Ахборот-таълим порталларини яратиш ва уни ривожлантиришда тизимли ёндашув зарур ҳисобланади. Чунки портал технологиялари асосида таълим муҳитини яратишда таҳлилий тайёргарликнинг яхши даражада бўлиши, мазмуннинг мақсадга мувофиқлиги, ахборотларнинг тизимлаштирилишини таъминлаш муҳим саналади.

Портал – бу фойдаланувчига ахборотларни оддий навигация ва кенг кўламли қулай интерфейс орқали етказиш учун турли ахборот ресурсларини бирлаштирувчи тармоқ телекоммуникация тугуни ҳисобланади. Бундан келиб чиқиб порталларга қуйидаги талабларни қўйиш мумкин:

- кўп сонли фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиши;
- ахборотлар кўламининг кенглиги;
- асосий тармоқ форматларни қўллаши;
- осон ва самарали қидириш тизимини жорий этиши;
- ахборот ресурсларининг интеграцияси;
- ахборот хавфсизлигини таъминлаши;
- ахборотларни табақалаштириши;
- билимларни бошқариш-таҳлил этиши.

Порталларнинг кўрсаткичи унда мужассамлашган ахборотларнинг кўлами, яъни ахборот ресурслари ҳажми билан аниқланади.

Ҳар қандай порталнинг мақсади – фойдаланувчига унга зарур ахборотларни қисқа вақтда ва турли интерфейслар орасидаги ўтишларни ортиқча ҳатти-ҳаракатларсиз тақдим этишдан иборат бўлади.

Ахборот-таълим порталларини ташкил этиш, энг аввало, педагогик-психологик талабларга жавоб бериши керак. Педагогик-психологик талаблар ичида портал ташкил этиш учун қуйидагилар муҳим ҳисобланади:

- тақдим этилаётган ахборот ресурслари ишончли, тегишли фаннинг ҳозирги замон ҳолатига мос, тизимли ва кетма-кет бўлиши, кўргазмалиликка эга, амалиёт билан боғланган бўлиши;
- ўқув материаллари илмийлиги ва қабул қилиниши осонлигининг оптимал вариантыда берилиши;
- ўқув-методик материалларининг баён этилиши шахсга йўналтирилган бўлиши керак.

Ахборот-таълим ресурслари дастурларнинг мазмунига мос бўлиши билан бирга талабаларда зарур кўникма ва малакаларни шакллантиришни таъминловчи топшириқлар ва вазифалардан ташкил топиши, улар ўзлаштириши лозим бўлган билимлар ҳажмини аниқлаши, маълум бир мантиқий тизимда тақдим этилиши, узвийлик ва узлуксизлик тамойилларига мос келиши ва ниҳоят, тизимлилик тамойилига жавоб бериши зарур бўлади.

Шунингдек, таълим ресурслари талабанинг тайёргарлик даражасини мос бўлиши мақсадга мувофиқ саналади.

Порталнинг фойдаланувчи интерфейси унда жойлаштирилган ресурсларнинг таркибини кўргазмали намойиш этиши, бир бўлимдан бошқа саҳифаларга мантиқий ва тезкор ўтишни таъминлаши лозим.

Тақдим этилаётган ахборот-таълим ресурслари мустақил таълим учун топшириқларни, ўзлаштирилган билимларни текшириш учун тест синовларини, ижодий тафаккурни ривожлантиришга қаратилган топшириқларни, билимларни мустаҳкамлашга қаратилган машқларни ўзида мужассамлаштирган бўлади.

Портал учун мультимедиа материалларини танлашда уларнинг ахборот-мазмуни, тузилма таркиби, узвийлиги ва ахборотларни тақдим этиш шаклларига эътибор қаратиш керак. Мультимедиа материаллари ахборотларни осон ўзлаштириш учун хизмат қилиши: уларнинг мазмунини очиб бериши, яъни ахборотларнинг мустақил манбаи сифатида фойдаланиш имконини бериши лозим.

Технологик жиҳатдан ахборот-таълим порталларига қуйидаги талаблар қўйилади:

- иловаларни бажариш;
- ҳамкорликдаги фаолиятни таъминлаш;
- ўзида мавжуд ресурсларни бошқариш;
- фойдаланувчиларни бошқариш;
- назорат олиб бориш;
- билимларни бошқариш;
- коммуникацияни таъминлаш;
- қидирувни таъминлаш;
- барча ресурсларни рухсат этилмаган киришлардан ҳимоялаши,

яъни

ахборот хавфсизлигини таъминлаш;

- тизимга рухсат бериш, яъни қайддан ўтишни ташкил этиши зарур.

Портал яратишнинг концептуал тамойиллари:

1. Мақсадга йўналтирилганлик тамойили.
2. Интеграция тамойили.
3. Тўлақонлилик тамойили.
4. Яхлитлик тамойили.
5. Очиқлик тамойили.

Ахборот-таълим порталини яратиш фаолияти 3 та босқичнинг ўзаро боғлиқлиги асосида амалга ошади:

- мазмун босқичи, бу босқичда порталнинг ахборот таъминоти, тақдим этилаётган таълим хизматлари, ахборот-таълим

ресурсларига табақалаштирилган рухсат тизими механизми масалалари кўрилади;

- ташкилий босқич, бу босқичда портал яратишнинг техник жиҳатлари билан бир қаторда, фойдаланувчилар категорияларини аниқлаш, мавжуд ресурсларни тизимлаштириш, ресурсларни янгилаб бориш механизмларини ишлаб чиқиш, таълим муассасаларидаги мавжуд ресурсларни интеграциялаш, масофавий таълимни ташкил этиш, ахборот-таълим ресурсларига бўлган талабни ўрганиш мақсадида портал фойдаланувчилари бўйича статистик маълумотларни йиғиш ва таҳлил этиш амалга оширилади;

- методик таъминот босқичи, бу босқичда ахборот-коммуникация технологияларидан ўқув жараёнида фойдаланиш методикасини ишлаб чиқиш, маслаҳат хизматларини бажариш йўлга қўйилади.

Билим соҳалари ёки фанлар бўйича ахборот-таълим портали фақат таълим муассасалари билан чегараланиб қолмайди. Анъанавий ва электрон шаклдаги ўқув материаллари ягона таълим муҳитининг таркибий қисми сифатида бир-бирларини тўлдириши муҳимдир. Янги ахборот технологияларининг имкониятларидан фойдаланиш айрим педагогик муаммоларни ечишдаги қийинчиликларни бартараф этишга хизмат қилади.

Ахборот-таълим порталларини фан-таълим-ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминловчи, унинг ривожланишини, илмий-педагогик салоҳиятдан самарали фойдаланишни ташкил этиш шароитини яратувчи сифатида қараш мумкин. У таълим муассасаларнинг битирувчиларига эҳтиёжлари бўлган буюртмачилар учун ҳам фойдалидир. Портал битирувчилар бўйича ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади. Қолаверса, таълим хизматларини тақдим этувчилар ва унинг истеъмолчилари билан янги шаклдаги ўзаро алоқани йўлга қўяди.

Бундай портални яратиш, уни ривожлантириш учун, аввало, таълим муассасаларини компьютерлаштиришни такомиллаштириш,

телекоммуникация тармоқларини янада ривожлантириш, ахборотларни тизимлаштириш ва уларни порталда жойлаштириш талаб этилади. Шу билан бир қаторда, педагогик кадрларни янги ахборот технологияларидан таълим тизимида фойдаланиш бўйича малакаларини шакллантириш, уларни мунтазам тарзда ошириб боришни ривожлантириш муҳимдир. Ягона ахборот-таълим муҳитини ривожлантиришнинг муҳим шarti порталнинг ўқув-методик таъминотини ривожлантириш, электрон ўқув нашрларни яратишни такомиллаштириш саналади.

Ахборотлаштириш жараёнини самарали ривожланишини таъминлаш учун ахборот инфратузилмасини мукамал шакллантиришга эътибор қаратмоқ зарур бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тадқиқотларимиз доирасида муаян фанлар бўйича масофавий таълимни йўлга қўйиш имкониятини берувчи фан ахборот-таълим порталларини ишлаб чиқишга киришилди. Ҳозирда Ziyonet портали барча фанлар бўйича узлуксиз таълимнинг барча бўғинлари учун ўқув, илмий ресурсларни ўзида мужассамлаштирган ахборот-таълим порталининг фаолияти йўлга қўйилди.



1.1-расм. Ziyonet порталнинг бош саҳифаси

Ziyonet ахборот-таълим порталини узлуксиз таълим бўйича кўп ахборотли ресурсларнинг тизимли бирлашувини амалга оширувчи сифатида қараш мумкин. Бу тизим ахборотларни яратиш, сақлаш ва узатишнинг ягона стандарти асосида фаолият олиб боради. Мазкур порталнинг мақсади – Республика бўйича узлуксиз таълимни ягона ахборот-методик таъминотини амалга ошириш ҳамда уни ташкил этишнинг масофавий шакллари ишлаб чиқишдан иборатдир. Фанлар бўйича ахборот-таълим порталларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш ягона методик таъминотни амалга ошириш билан бир қаторда турли ресурслар интеграцияси асосида билимларни узлуксиз олиш имкониятини яратади. Таклиф этилаётган тизимнинг афзаллиги ресурсларни жойлаштириш учун ишлаб чиқилган дастурий платформанинг универсиаллиги, узлуксиз физика таълими бўйича билимларни узатиш жараёнининг мослашувчанлиги, эришилган кўникма ва малакаларни ўзини-ўзи назорат қилиб бориш тизимига эгаллиги билан ажралиб туради. Ziyonet ахборот-таълим портали фанлар бўйича ўқув, илмий ва кенг оммага мўлжалланган ресурсларни қамраб олади. Ziyonet порталида фанлар бўйича ресурсларнинг бундай тақдим этилиши фан ўқитувчилари учун ахборот олишнинг қулай имкониятлар беради ҳамда Республикада таълимнинг сифатини оширишга хизмат қилади деган фикрдамыз. Бундан ташқари ресурсларнинг соҳанинг етакчи олимлари томонидан яратилиши регионлардаги таълим самарадорлигини ошириш имкониятини яратади. Порталда олий таълим муассасаларининг турли хил фан кафедралари, турли йўналишдаги битирувчилар ҳақида маълумотлар ва уларга электрон буюртма бериш тизими, фанлар бўйича илмий-тадқиқот институтлари ҳақидаги маълумотлар, ёшларни фанларга қизиқтириш ва уларнинг билимларини оширишга мўлжалланган материаллар ва бошқа ресурслар жойлаштирилган. Талаба ва ўқувчилар учун электрон кутубхона, электрон ўқув-методик мажмуалар, виртуал лаборатория ишлари, мустақил билим олишга ва эгалланган билимларни назорат қилувчи блоклар мавжуд. Шундай қилиб,

Ziyonet ахборот-таълим портали вазифаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- фанлар бўйича сифатли электрон таълим ресурсларига кенг киришни таъминлаш;
- узлуксиз таълим тизими учун фанлардан ягона ўқув-методик таъминотни амалга ошириш;
 - янги таълим ресурсларини ишлаб чиқиш;
 - мустақил таълим олиш имкониятларини яратиш;
 - турли фанлар бўйича инновацион технологияларни, фанларнинг замонавий ютуқлари бўйича ахборотларни ўқув жараёнига қисқа муддатда кириб боришини таъминлаш.

Тадқиқотларимиз доирасида шунингдек, олий таълим муассасаси факультетининг намунавий ахборот-таълим сайти платформаси факультетнинг кенг камровли барча фаолиятини ўзида мужассамлаштирган восита сифатида ишлаб чиқилди.

Дастурий платформани кўп ахборотли ресурсларнинг тизимли бирлашувини амалга оширувчи сифатида қараш мумкин. Бу тизим ўқув жараёни ахборотларни яратиш, сақлаш ва узатишнинг ягона стандарти асосида фаолият олиб боради. Мазкур ахборот-таълим сайтининг мақсади – факультетнинг ягона электрон ахборот-методик таъминотини амалга ошириш ҳамда уни ташкил этишнинг масофавий шакллари ишлаб чиқишдан иборатдир. Таклиф этилаётган тизимнинг афзаллиги ресурсларни жойлаштириш учун ишлаб чиқилган дастурий платформанинг универсиаллиги, талабаларни зарур ахборотлар билан таъминлашнинг ягона тизимини жорий этиш имкониятининг мавжудлиги, талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этишга қаратилган ресурсларнинг мавжудлиги, билимларни узатиш жараёнининг мослашувчанлиги, эришилган кўникма ва малакаларни ўзини-ўзи назорат қилиб бориш тизимига эгаллиги билан ажралиб туради. Факультет ахборот-таълим сайти факультетда ўқитиладиган барча фанлар бўйича ўқув ресурсларини, жумладан давлат таълим

стандартлари, намунавий ва ишчи ўқув дастурлари, адабиётларнинг электрон версиялари, дарс жадваллари, жорий, оралик ва якуний баҳолаш саволномалари, баҳолаш мезонлари, фанлар бўйича он-лайн тестлар, электрон кутубхона каби ўқув ресурсларни ўзида мужассамлаштирган. Сайтда факультетнинг маънавий-маърифий, илмий ва битирувчилар билан ишлаш фаолиятини таъминлашга хизмат қилувчи махсус блоклар мавжуд. Факультетдаги бакалавриат йўналиши ҳамда магистратура мутахассисликлари битирувчилар ҳақида маълумотлар ва уларга электрон буюртма бериш тизими, ёшларни факультетга ўқишга киришлари учун қизиқтириш ва уларнинг билимларини оширишга мўлжалланган материаллар ва бошқа ресурслар жойлаштирилган.

1.3. Таълим муассасаси сайтларини яратишда веб технологиянинг ўрни ва аҳамияти

Ахборот коммуникацион технологиялари орқали турли компаниялар ўз туризм соҳаси учун ҳар хил сайт хизматлари ҳақидаги маълумотларни реклама қиладилар. Реклама Интернетда жойлашган электрон каталоглар ёрдамида амалга оширадилар. Ўрта махсус таълим муассасалари ҳақидаги маълумотларни интернет орқали амалга оширишда асосан Web технология асосий манба фойдаланилади. Web технологияларнинг ҳам бир неча турлари мавжуд бўлиб улардан қўйилаётган вазифа қандай мақсадда ишлатилишига қараб бири танлаб олинади. Қуйида улар ҳақида қисқача маълумот келтириб ўтамиз.

Web технологияда маълумотлар гиперматнли ҳужжатлар шаклида олинади. Гиперматннинг ўзи эса бошқа матнли ҳужжатларга йўл кўрсатади. Демак, матнлар қайси мамлакатнинг серверида туришидан қатъий назар, тезда ўтиш имкониятини беради. Матнлар билан бир қаторда Web ҳужжатларида рангли ҳаракатдаги тасвирларни, турли видео клипларини, умуман мультимедиа маълумотларини ҳам кўриш мумкин. Web да

маълумотлар саҳифа кўринишида берилди. Бу саҳифалар, одатда, HTML хужжат, яъни HTML(Hyper Text Markup Language-гиперматнни белгилаш тили) тилида ёзилган хужжат деб қаралади. Бу ҳолда ёзилган хужжатларни кўриш учун махсус дастурлар ишлатилади. Бундай дастурлар Browser(кўрувчи ёки шарҳловчи)лар деб аталади. Бу дастурларнинг бир қанча турлари мавжуд. Хусусан улардан кўп ишлатилганлари Internet Explorer, Netscape Communicator, Opera ва бошқалардир. Ўз новбатида бу Browserлар ҳам версияларига эга. Windows муҳитида стандарт ишлатилган Browser бу Internet Explorer дир.

Web нинг энг асосий хусусиятларидан бири, унда турли матн, видео, график объектларга гипермуружаатнинг мавжудлиги. У ўз саҳифаларини сақлаш ва узатиш учун Internet дан фойдаланади. Web- internet тармоқларида жойлашган файллар тўплами бўлиб, уларнинг сони соат сайин кўпайиб бормоқда.

Web маълумотларни гиперматнли хужжатлар шаклида тайёрлаш учун Web дастурлаш тиллари яратилган бўлиб улар бир нечтадир. Улар ҳар хил дстурий воситалар яратувчи фирмалар томонидан яратилган бўлиб, ҳар бири ўзига яраша қулайликлар ва афзалликларга эга. Қуйида улардан асосийларини номларини келтириб ўтамыз [5]:

PHP дастурлаш тили, ASP.Net дастурлаш тили, Java дастурлаш тили, Perl дастурлаш тили ва бошқа бир қанча дастурлаш тиллари мавжуд. Бу дастурлаш тилларининг компиляторлари алоҳида Web серверларда ишлайди. Масалан, PHP да тузилган дастур Apache серверда, ASP.Net да тузилган дастур IIS серверда ишлайди.

Интернетнинг WWW хизмати кундан-кунга ривожланиб, мукамал маълумотлар манбасига айланиб бормоқда. Унинг ёрдамида исталган соҳада, исталган мавзуда ва истаган вақтда маълумотларни қидириб топиш, улардан фойдаланиш, зарур бўлса улардан нусха олиш мумкин. Интернетнинг ушбу хизмат туридан фойдаланиш учун аввало мижоз компьютерида худди

шундай имкониятларни яратиб берувчи махсус дастур таъминоти бўлиши зарур. Бундай дастур таъминоти браузер (Browsers) деб аталади.

Энг биринчи браузер CERN (Европа Физика Тадқиқотлари Маркази) ходими Тим Бернер томонидан кашф қилинган. АҚШнинг NSCA (Миллий Супер Хисоблаш Маркази) ходими Марк Андрессон ва бир нечта талабалар томонидан ишлаб чиқилган Mosaic браузери эса график маълумотларни экранда акс эттира олувчи биринчи браузер бўлган [6].

Браузер инглизча сўз бўлиб, кўринишни таъминлаш, кўрсатиш маъносини англатади.

Дунёда энг кўп фойдаланиладиган браузерлар Netscape Communication Navigator ва Internet Explorer лар ҳисобланади. Бугунги кунда Netscape ҳамда Internet Explorer дан ташқари Яна кўплаб Opera, FMSD Friada, MSICE, Web celerator, AtGuard, AdWiper каби браузерлар мавжуддир. Браузерларга кўйиладиган асосий талаблардан бири, бу интернетнинг WWW хизматидаги маълумотлар жойлашган web саҳифаларини қайси технология ёрдамида ишлашидан, ҳамда қайси дастурлаш тилида ёзилганидан қатъий назар, ундан тўлиқ фойдаланиш имкониятларини яратиб беришдир. Бу талабга ҳама браузерлар ҳам жавоб бера олмайди. Бунга мисол қилиб Netscape Communicator нинг Microsoft компаниясининг VisualBasic Script тили кўлланилган web саҳифаларни экранда акс эттира олмаслигини келтириш мумкин.

Internet Explorer браузери эса ихтиёрий web саҳифани ҳеч қандай муаммоларсиз кўриш ва ундан тўлиқ фойдаланиш имкониятини яратиб беради. Opera браузерининг мухлислари эса уни жуда ихчам ҳажмда эканлиги учун яхши кўришади. Чунки бу браузер компьютер ташқи хотирасидан атиги 2 Мб гина жойни эгаллайди холос. Унинг жуда ҳам тезкор ишлаши ва кўплаб Netscape ишлайдиган PlugIn лар Macromedia Flash, Acrobat Reader, Cosmo Player ларни ўзида акс эттира олиши унга бўлган қизиқишга сабаб бўлмоқда [9].

Web браузерларнинг имкониятлари қандай хусусиятлари билан фарқланадилар. Web саҳифалар ва уларни узатиш ҳақида қисқача тўхталиб ўтайлик.

Шахсий электрон ҳисоблаш машиналарида форматлаштирилган электрон ҳужжат WYSIWYG (What You See Is What You Get) «Нимани кўраётган бўлсанг, ўшани оласан» принципида ишлайдиган матн таҳрирлагичлар ёрдамида яратилади. Масалан MS Word, Lexicon, AmiPro кабилар ёрдамида. Бундай дастурлар ёрдамида биз электрон ҳужжатни хоҳлаган шрифтда, ўлчамда, чап ёки ўнг томондан текислаган ҳолда яратишимиз мумкин. Аммо биз ушбу электрон ҳужжатни интернет ёрдамида эълон қила олмаймиз. Сабаби, уни ўқимоқчи бўлган бошқа бир интернет мижозининг шахсий компьютерида биз фойдаланган матн таҳрирлагич дастури ёки шрифтлар ўрнатилмаган бўлиши мумкин.

Буни олдиндан айтиб бўлмайди. Ундан ташқари ушбу матнни очишга мўлжалланган «ойна»нинг ўлчамлари ҳақида ҳеч қандай маълумотларга эга эмасмиз. Шунингучун ҳам ШЭХМларда фойдаланиладиган матн таҳрирлагичлар ва уларнинг «формат»лаш усулларида интернетда фойдаланиб бўлмайди.

Бундай ноқулайликларнинг олдини олиш мақсадида янги HTML (Hyper Text Markup Language) «гиперматнларни белгилаш тили» протоколи, стандарти яратилди. Бу стандарт бир қанча махсус операторлар мажмуасидан иборат бўлган HTML дастурлаштириш тили бўлиб, унинг ёрдамида электрон ҳужжатларни интернетда бевосита эълон қилиш мумкин.

Протокол – бу компьютерлар орасидаги алоқа ўрнатилишида, маълумотларни қабул қилиши ва узатишда фойдаланиладиган сигналлар стандартидир. Яъни, компьютерлар протокол ёрдамида бир-бири билан боғланади. Протокол тўғри бўлсагина, компьютерлар ўртасида алоқа ўрнатилади. Бу компьютерларнинг боғланиш тартиби ёки стандартидир.

HTTP (Hyper Text Transfer Protocol) эса гиперматнларни узатиш протоколи бўлиб, у тармоқ протоколлари ичида энг содда ва қулай

протоколлардан ҳисобланади. Унинг асосий вазифаси «гипербоғланиш»дан хосил бўлган URL манзилли электрон ҳужжатларни ўқишга оид сўров (запрос)ни серверга жўнатиш (худи шу вақтда сўралаётган ҳужжат жойлашган сервер билан алоқа ўрнатилади) васўралаётган ҳужжат олиб бўлингандан сўнг сервер билан алоқани узишдан иборат. HTML форматида тайёрланган электрон ҳужжат HTML ҳужжат, web ҳужжат ёки web саҳифа деб аталади. Агар электрон ҳужжатни тайёрлаш ҳақида гап борса, у ҳолда ҳужжат HTML ҳужжат деб аталади, ушбу электрон ҳужжатни интернетда эълон қилиш ёки тарқатиш ҳақида гап борса, у ҳолда бундай электрон ҳужжат web саҳифа дейилади.

HTML тили бу биз билган C, C++, Java, Basic ва бошқа дастурлаш тиллари каби тўғри маънодаги дастурлаш тили ҳисобланмайди. HTML ёрдамида биз MS DOS, Windows ва бошқа операцион системаларида ишлайдиган тўлақонли дастур ёза олмаймиз. HTML бу интернет тармоғидаги Web- серверида жойлаштирилган ҳужжатларни кўриш имкониятини берадиган саҳифалар яратишга мўлжалланган гиперматнни белгилаш тили ҳисобланади.[5]

Ҳужжатни барча компьютерлар тушунадиган ҳолда кўрсатиш учун, компьютерларнинг тушунадиган ягона тилини билишга тўғри келади. Шу сабабли World Wide Web да қўлланиладиган HTML тили барпо этилди. Ушбу тилни биринчи бўлиб Тим Бернерс-Ли ишлаб чиқди.

WWW системасидан қандайдир ҳужжат ёки хабар олсангиз, экранда яхши форматланган, ўқиш учун қулай матн пайдо бўлганлигини кўрасиз. Бу шуни англатади-ки, WWW ҳужжатларида маълумотларни экранда бошқариш имконияти ҳам мавжуд. Сиз фойдаланувчининг қайси компьютерда ишлашини билмайсиз ва WWW ҳужжатлар аниқ бир компьютер платформаларига мўлжалланган ёки қайсидир формат билан сақланишини олдиндан айта оламайсиз. Аммо компьютерда ишлаётган фойдаланувчи қайси терминалда ишлашидан қатъий назар яхши форматланган ҳужжатна олиш керак бўлади. Бу муаммони HTML андаза тили ҳал қилади. У

ҳужжатнинг тузилишини ифодоловчи унча мураккаб бўлмаган буйруқлар мажмуидан иборат. HTML буйруқлари орқали матнларнинг шаклини ўзгартириш, яъни матннинг маълум бир қисмини ажратиб олиб бошқа файлга ёзиш ва бошқа жойдан турли хил рангли тасвирларни қўйиш мумкин. У бошқа ҳужжатлар билан боғлайдиган гиперматнли алоқаларга эга.

HTML саҳифасини яратиш. Гиперматндаги хоҳлаган саҳифани очиб, унинг HTML кодини кўришингиз мумкин. Бунинг учун ихтиёрий Web саҳифасини очинг ва “Вид” менюсининг “Просмотр HTML-кода” пунктини танланг.

Бугунги кунга келиб туризимни информацион ресурслар орқали амалга оширувчи соҳа ходимларининг сон ва сифат жиҳатдан ошиб бориши кузатилмоқда. Ушбу ҳолатдан келиб чиққан ҳолда республикамиз миқёсида туризм соҳасида олиб борилаётган ташкилий ишларни жаҳон бозорига олиб чиқиш ва унинг ахборот коммуникацион технологиялари орқали реклама қилишни ташкил этиш мақсадга мувофиқ ва долзарб масалалардан бирига айланган.

2. ТАТУ ҚОШИДАГИ 2-АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ВЕБ САЙТИНИ ЯРАТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

2.1. ТАТУ қошидаги 2-академик лицей веб сайтини яратиш технологияси ва дизайн масалалари

Асосий саҳифанинг дизайни, умуман барча саҳифаларнинг дизайни масаласи ҳам асосий кўриб чиқиладиган, тизимнинг оммалашиси ва ундан фойдаланувчилар учун қулайликлар яратиш, структуранинг тушунарли бўлиши ва шу каби жуда кўп факторларга боғлиқ равишда тизимнинг истиқболлини белгиловчи бирламчи масалалар қаторига киради. Шу жиҳатни ҳисобга олиб қуйида дизайн масаласи алоҳида кўриб ўтилган.

Асосий саҳифа бир неча қисмларга бўлинган бўлиб, банер, юқори қисм, чап ва ўнг, ҳамда асосий қисмга бўлинади. Жадвалда ушбу қисмлар номерлар билан кўрсатилган, улар:



2.1 – расм. Сайтнинг умумий кўриниши


Сайтнинг умумий кўриниши жиҳатидан қуйидаги веб саҳифалардан иборат.

1. **Банер қисми**. Бу қисм маълум дизайн асосида таёрланган бўлиб, бу ерда академик лицейнинг тўлиқ номи ва сайтнинг қидирув қисми жой олган.
2. **Юқори меню**. Бу менюда тизимнинг асосий структураси ифодаланган бўлиб, улар:
 - a. **Бош саҳифа** – академик лицей ҳақида баъзи асосий маълумотлар ва янгиликлар келтирилган.
 - b. **Биз ҳақимизда** - академик лицей ҳақида батафсил маълумотлар асосий фаолияти ва бошқа маълумотлар жойлаштирилган.
 - c. **Кафедралар** - Бунда асосан академик лицейда ҳозирги кунда мавжуд бўлган кафедралар жумладан, информатика, математика, физика, ижтимоий – гуманитар фанлар ва чет тиллари кафедралари фаолияти ҳақида маълумотлар келтирилган.
 - d. **Маънавий – маърифий ишлар** - Бунда академик лицейда ўқувчилар учун олиб борилаётган маънавий – маърифий ишлар ҳақида маълумотлар берилган.
 - e. **Ўқув ишлари**- ушбу саҳифа Академик лицейдаги профессор-ўқитувчилар ва ўқувчилар учун мўлжалланган дарс жадваллари ва ўқув жараёни фаолияти тўғрисидаги маълумотлар учун мўлжалланган.
 - f. **Манзил** - Академик лицейнинг манзили тўғрисидаги тўлиқ маълумотлар бериладиган саҳифа ҳисобланади.
3. **Чап блок менюси**. Бунда асосан академик лицейнинг фаолиятига тегишли бўлган, ахборот – ресурс марказлари, фойдали ссилкалар ва об-ҳаво тўғрисида батафсил маълумотлар берилиб борилади.
4. **Паст footer қисми**. Бунда асосан академик лицей манзили келтирилади.

Айни манашу ўринда тақидлаб ўтиш керак, мавжуд тизимдан фойдаланиш қулайликларини янада ошириш мақсадида биринчи навбатда

барча мавжуд ахборот турлари учун асосий саҳифада кўрсатмалар ёки қисқача маълумотлар - илова тарзида берилиб ўтилган. Бу билан фойдаланувчи учун керакли маълумотни топиш ва уни олиш имкониятини соддалаштиради. Иккинчидан эса умуман саҳифалар кетма кетлиги, уларни очилиш тартиби 3 та қадам, яъни уч этапли суб сайт (sub site) кўринишида амалга оширилади.

Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги 2-сон академик лицей веб сайтини веб технология асосида дастурий таъминотни яратишдан олдин уни амалга ошириш архитектураси ва ишлаш алгоритмини ишлаб чиқиш талаб этилади. Сайтни архитектураси шундай тузилиши керакки, унда маълумотлар тизимлаштирилган ва ташриф буюрувчилар излаётган маълумотларини тез ва осон топишлари учун қулай навигация ташкил этилиши зарур. Пухта ўйлаб чиқилган ва юқори савия билан лойихаланган архитектура бу сайтга мижозларнинг ташриф буюришлар сонини ортишига сабаб бўлади. Қуйидаги сайтни яратиш дастурий таъминоти ва тузилиш архитектураси келтирилган.



2.1-Расм. Сайт структураси

Бунда махсус дастурлаш тили PHP дан фойдаланилди ва маълумотларни тахрирлаш, дизайн масалалари ва маълумотлар базасини яратиш мақсадида махсус дастурлардан, мисол учун:

PHP, MySQL, HTML, JavaScript, DreamWeaver, jquery ва турли шу каби кўмакчи дастурлар ёрдамида амалга оширилмоқда.

Сайт ҳақида яна бир нарсани айтиб ўтиш зарур, юқорида келтирилган иш режасига эътибор қилсангиз, тизим структураси, дизайни ва ижодий ёндашув қисмига алоҳида урғу берилган. Ҳақиқатдан ҳам структурага, дизайнга ва фаолият жараёнига ижодий ёндашув асосида янгича услуб ва методлар қўлланилмоқда.

Сайтга талаблар:

- **PHP**
- **Apache Web Server**
- **MySQL Server**
- **Denver**

Қўшимча сифатида:

- **JAVA 2 Platform Standard Edition Development KIT 5.0**
- **J2SE Runtime Environment**
- **MySQL Server 4.1**
- **Tomcat 4.0.3**

Сайтни веб технология асосида яратишда қулай интерфейс ва миждозлар диққатини иложи борича ўзига жалб қилиш омилларига катта эътибор қаратилди. Интерфейс дизайнини яратишда муайян стилдан фойдаланиш учун айнан бир хил элементларни саҳифа кодида такрорланмаслиги учун **CSS** – Cascading Style Sheets технологияси қўлланилди.

PHP дастурлаш тиллари имкониятларидан фойдаланиб, сайтни мукамалроқ ва турли таждовузкор кимсалар томонидан бўладиган ўзгартиришларга йўл қўймаслик учун маълум чоралар қўлланилди.

Сайтни яратишда қўлланиладиган PHP дастурлаш тилининг қуйидаги афзалликларини келтириш мумкин [7]:

Биринчи навбатда PHP тили сервер томонидан бажариладиган скриптлар яратиш учун фойдаланилади ва айнан шунинг учун у яратилган. PHP тили ихтиёрий CGI-скриптлари масалаларини ечишга ва бундан ташқари html формали маълумотларни қайта ишлашга ҳамда динамик равишда html саҳифаларни ишлаб чиқишга қодир. Бироқ PHP тили фойдаланиладиган бошқа соҳалар ҳам мавжуд. Бу соҳаларни биз учта асосий қисмга бўламиз:

Биринчи соҳа – биз юқорида айтиб ўтганимиздек, сервер томонидан бажариладиган иловалар (скриптлар) яратиш. PHP тили бундай турдаги скриптларни яратиш учун жуда кенг қўлланилади. Бундай иш кўрсатиш учун PHP-парсер (яъни php- скриптларни қайта ишловчи) ва скриптларни қайта ишловчи web-сервер, скриптларни натижасини кўриш учун браузер ва албатта php-кодини ёзиш учун қандай бўлса ҳам матн муҳаррири керак бўлади. PHP-парсер CGI-дастурлар кўринишида ёки сервер модуллари кўринишида тарқалган. Уни ва web-серверни компьютеримизга қандай ўрнатамиз, биз бу ҳақида кейинроқ кўриб ўтамиз.

Иккинчи соҳа – буйруқлар сатрида бажариладиган скриптларни яратиш. Яъни PHP тили ёрдамида бирор-бир компьютерда браузер ва web-серверлардан мустақил равишда ўзи бажариладиган скриптларни ҳам яратиш мумкин. Бу ишларни бажариш учун ҳеч бўлмаганда PHP-парсер (бу ҳолатда биз уни буйруқлар сатри интерпретатори (CLI, command line interpreter) деб атаёмиз) талаб этилади. Бундай ишлаш услуби турли масалаларни режалаштириш ёрдамида бажарилиши учун керак бўлган скриптлар ёки оддий матнни қайта ишлаш учун керак бўлган масалага ўхшаш ишлайди.

Ва ниҳоят охириги учинчи соҳа – бу миждоз томонидан бажариладиган GUI- иловаларни (график интерфейс) яратиш. Бу соҳа

PHP тилини эндигина ўрганаётган фойдаланувчилар учун унча муҳим бўлмаган соҳадир. Бироқ агарда сиз PHP тилини чуқур ўрганган бўлсангиз, бу соҳа сиз учун анча муҳимдир. PHP тилини бу соҳага қўллаш учун php кенгайтмали махсус ёрдамчи – PHP-GTK талаб этилади.

PHP тилини қўлланилиш соҳалари кенг ва турличадир. Юқоридаги масалаларни еча оладиган бошқа турлича дастурлаш тиллари ҳам мавжуд, унда нима учун PHP тилини ўрганишимиз керак? У тил бизга нима беради? Биринчидан, PHP тили ўрганиш учун жуда қулай. PHP тилини синтаксиси асосий қоидалари ва ишлаш принципи билан етарлича танишиб чиқиб ўзингизни шахсий дастурингизни тузиб кўриб, сўнгра уни бошқа дастурлаш тилларида тузилган вариантлари билан солиштирсангиз бунга гувоҳи бўласиз[7].

Иккинчидан, PHP тили барча бизга маълум платформаларда, барча операцион тизимларда ҳамда турлича серверларда эркин ишлай олади. Бу хусусият жуда муҳим. Масалан, кимдир Windows операцион тизимдан Linux операцион тизимга ёки IIS сервердан Apache серверга ўтмоқчи бўлса PHP тилини ўрганиши шарт. PHP дастурлаш тилида дастурлашнинг иккита ҳаммабоп парадигмалари ишлатилади, булар процедурали ва объектли дастурлаш. PHP4 дастурлаш тили процедурали дастурлашни бутунлай қўлаб қувватлайди, бироқ объектли стилдаги дастурларни ҳам қўласа бўлади. PHP5 дастурлаш тилининг биринчи тестлаш версиясида PHP4 дастурлаш тилида учрайдиган объектга йўналтирилган дастурлаш моделларининг камчиликлари тўлдирилган. Шундай қилиб, ҳозирда таниш бўлиб улгурган ишлаш принципини танлаш керак.

Агарда PHP тилини ҳозирги имкониятлари тўғрисида гаплашадиган бўлсак, у ҳолда биз PHP тилини биринчи версиясидан анча йироқлашиб кетган бўламиз. PHP дастурлаш тили ёрдамида тасвирлар, PDF-файллар, флэш-роликлар яратиш мумкин; ҳозирги вақтдаги замонавий маълумотлар базасини қўлаб қувватлайди; ихтиёрий матнли файл форматлари билан, ҳамда XML ва файллар тизими билан ишлайдиган функциялар ҳам

кўшилган. PHP тили турли сервислар ўртасидаги протоколларнинг ўзаро алоқасини кўллаб қувватлайди. Буларга мисол тариқасида папкаларга киришни бошқариш протоколи LDAP, тармоқ қурилмалари билан ишлайдиган протокол SNMP, маълумотларни узатиш протоколлари IMAP, NNTP ҳамда POP3, гиперматнларни узатиш протоколи HTTP ва бошқаларни олиш мумкин.

PHP дастурлаш тилини турли дастурлаш тиллари ўртасидаги ўзаро алоқасига диққатни қаратсак, бунга Java дастурлаш тилини айтиб ўтиш керакки, Java дастурлаш тили объектларини PHP тили ўз объектлари сифатида қарайди. Объектларга мурожаат сифатида CORBA кенгайтмасидан фойдаланилади. Матнли ахборотлар билан ишлаш учун PHP тили ўзига Perl дастурлаш тилидаги тартибланган ифодалар билан ишлай оладиган механизмларни (катта бўлмаган ўзгаришларсиз) ва UNIX-тизимини мерос қилиб олади. XML-хужжатларини қайта ишлаш учун стандарт сифатида DOM ва SAX, XSLT-трансформацияси учун API дан фойдаланиши мумкин. Матнли ахборотлар билан ишлаш учун PHP тили ўзига Perl дастурлаш тилидаги тартибланган ифодалар биланишлай оладиган механизмларни (катта бўлмаган ўзгаришларсиз) ва UNIX-тизимини мерос қилиб олади. XML-хужжатларини қайта ишлаш учун стандарт сифатида DOM ва SAX, XSLT-трансформацияси учун API дан фойдаланиши мумкин.

Умумий тузулиш:

- Дастур структураси ва дизайни
- Маълумотлар базаси ва уни бошқариш
- Маълумотларнинг маълум категориялар асосида бўлинганлиги
- Тизимдан фойдаланувчилар ва уларга берилган имкониятлар (access control)
- Маълумотларнинг динамик ўзгариши ва уни бошқариш

- Қидирув масаласи, янги турдаги ахборот билан фойдаланувчиларни таъминлаш тизими.

2.2. HTML тили ва CSS, JavaScript, JQuery, AJAXлар асосида сайт яратиш

ТАТУ қошидаги 2 – академий лицей ҳақидаги маълумотларни интернет орқали кўриш амалга оширишда асосан Web технология имкониятларидан фойдаланилади. Web технология ҳам бир неча турлари мавжуд бўлиб улардан қўйилаётган вазифа қандай мақсадда ишлатилишига қараб бири танлаб олинади. Қуйидагича улар ҳақида қисқача маълумот келтириб ўтамыз.

Web технологияда маълумотлар гиперматнли ҳужжатлар шаклида олинади. Гиперматннинг ўзи эса бошқа матнли ҳужжатларга йўл кўрсатади. Демак, матнлар қайси мамлакатнинг серверида туришидан қатъий назар, тезда ўтиш имкониятини беради. Web нинг энг асосий хусусиятларидан бири, унда турли матн, видео, график объектларга гипермуружаатнинг мавжудлиги. У ўз саҳифаларини сақлаш ва узатиш учун Internet дан фойдаланади. Web- internet тармоқларида жойлашган файллар тўплами бўлиб, уларнинг сони соат сайин кўпайиб бормоқда.

Web маълумотларни гиперматнли ҳужжатлар шаклида тайёрлаш учун Web дастурлаш тиллари яратилган бўлиб улар бир нечтадир. Улар ҳар хил дстурий воситалар яратувчи фирмалар томонидан яратилган бўлиб, ҳар бири ўзига яраша қулайликлар ва афзалликларга эга. Қуйида улардан асосийларини номларини келтириб ўтамыз:

PHP дастурлаш тили , ASP.Net дастурлаш тили, Java дастурлаш тили, Perl дастурлаш тили ва бошқа бир қанча дастурлаш тиллари мавжуд. Бу дастурлаш тилларининг компиляторлари алоҳида Web серверларда ишлайди. Масалан, PHP да тузилган дастур Apache серверда, ASP.Net да тузилган дастур IIS серверда ишлайди.

Интернетнинг WWW хизмати кундан-кунга ривожланиб, мукамал маълумотлар манбасига айланиб бормоқда. Унинг ёрдамида исталган соҳада, исталган мавзуда ва истлаган вақтда маълумотларни қидириб топиш, улардан фойдаланиш, зарур бўлса улардан нусха олиш мумкин. Интернетнинг ушбу хизмат туридан фойдаланиш учун аввало миждоз компьютерида худди шундай имкониятларни яратиб берувчи махсус дастур таъминоти бўлиши зарур. Бундай дастур таъминоти браузер (Browsers) деб аталади.

Энг биринчи браузер CERN (Европа Физика Тадқиқотлари Маркази) ходими Тим Бернер томонидан кашф қилинган. АҚШнинг NSCA (Миллий Супер Хисоблаш Маркази) ходими Марк Андрессон ва бир нечта талабалар томонидан ишлаб чиқилган Mosaic браузерлари эса график маълумотларни экранда акс эттира олувчи биринчи браузер бўлган.

Браузер инглизча сўз бўлиб, кўриниши таъминлаш, кўрсатиш маъносини англатади.

Дунёда энг кўп фойдаланиладиган браузерлар Netscape Communication Navigator ва Internet Explorer лар ҳисобланади.

Бугунги кунда Netscape ҳамда Internet Explorer дан ташқари Яна кўплаб Opera, FMSD Friada, MSICE, Web celerator, AtGuard, AdWiper каби браузерлар мавжуддир. Браузерларга қўйиладиган асосий талаблардан бири, бу интернетнинг WWW хизматидаги маълумотлар жойлашган web саҳифаларини қайси технология ёрдамида ишлашидан, ҳамда қайси дастурлаш тилида ёзилганидан қатъий назар, ундан тўлиқ фойдаланиш имкониятларини яратиб беришдир. Бу талабга ҳама браузерлар ҳам жавоб бера олмайди. Бунга мисол қилиб Netscape Communicator нинг Microsoft компаниясининг VisualBasic Script тили қўлланилган web саҳифаларни экранда акс эттира олмаслигини келтириш мумкин.

Internet Explorer браузерлари эса ихтиёрий web саҳифани ҳеч қандай муаммоларсиз кўриш ва ундан тўлиқ фойдаланиш имкониятини яратиб беради. Opera браузерининг муҳлислари эса уни жуда ихчам ҳажмда эканлиги учун яхши кўришади. Чунки бу браузер компьютер ташқи

хотирасидан атиги 2 Мб гина жойни эгаллайди холос. Унинг жуда ҳам тезкор ишлаши ва кўплаб Netscape ишлайдиган PlugIn лар Macromedia Flash, Acrobat Reader, Cosmo Player ларни ўзида акс эттира олиши унга бўлган кизиқишга сабаб бўлмоқда.

Web браузерларнинг имкониятлари қандай хусусиятлари билан фарқланадилар. Web саҳифалар ва уларни узатиш ҳақида қисқача тўхталиб ўтайлик.

Шахсий электрон ҳисоблаш машиналарида форматлаштирилган электрон ҳужжат WYSIWYG (What You See Is What You Get) «Нимани кўраётган бўлсанг, ўшани оласан» принципида ишлайдиган матн тахрирлагичлар ёрдамида яратилади. Масалан MS Word, Lexicon, AmiPro кабилар ёрдамида. Бундай дастурлар ёрдамида биз электрон ҳужжатни хоҳлаган шрифтда, ўлчамда, чап ёки ўнг томондан текислаган холда яратишимиз мумкин. Аммо биз ушбу электрон ҳужжатни интернет ёрдамида эълон қила олмаймиз. Сабаби, уни ўқимоқчи бўлган бошқа бир интернет мижозининг шахсий компьютерида биз фойдаланган матн тахрирлагич дастури ёки шрифтлар ўрнатилмаган бўлиши мумкин.

Буни олдиндан айтиб бўлмайди. Ундан ташқари ушбу матнни очишга мўлжалланган «ойна» нинг ўлчамлари ҳақида ҳеч қандай маълумотларга эга эмасмиз. Шунингучун ҳам ШЭХМларда фойдаланиладиган матн тахрирлагичлар ва уларнинг «формат»лаш усулларида интернетда фойдаланиб бўлмайди.

Бундай ноқулайликларнинг олдини олиш мақсадида янги HTML (Hyper Text Markup Language) «гиперматнларни белгилаш тили» протоколи, стандарти яратилди. Бу стандарт бир қанча махсус операторлар мажмуасидан иборат бўлган HTML дастурлаштириш тили бўлиб, унинг ёрдамида электрон ҳужжатларни интернетда бевосита эълон қилиш мумкин.

Протокол – бу компьютерлар орасидаги алоқа ўрнатилишида, маълумотларни қабул қилиши ва узатишда фойдаланиладиган сигналлар стандартидир. Яъни, компьютерлар протокол ёрдамида бир-бири билан

боғланади. Протокол тўғри бўлсагина, компьютерлар ўртасида алоқа ўрнатилади. Бу компьютерларнинг боғланиш тартиби ёки стандартидир.

HTTP (Hyper Text Transfer Protocol) эса гиперматнларни узатиш протоколи бўлиб, у тармоқ протоколлари ичида энг содда ва қулай протоколлардан ҳисобланади. Унинг асосий вазифаси «гипербоғланиш»дан ҳосилбўлган URL манзилли электрон ҳужжатларни ўқишга оид сўров (запрос)ни серверга жўнатиш (ҳуди шу вақтда сўралаётган ҳужжат жойлашган сервер билан алоқа ўрнатилади) васўралаётган ҳужжат олиб бўлингандан сўнг сервер билан алоқани узишдан иборат. HTML форматида тайёрланган электрон ҳужжат HTML ҳужжат, web ҳужжат ёки web саҳифа деб аталади. Агар электрон ҳужжатни тайёрлаш ҳақида гап борса, у ҳолда ҳужжат HTML ҳужжат деб аталади, ушбу электрон ҳужжатни интернетда эълон қилиш ёки тарқатиш ҳақида гап борса, у ҳолда бундай электрон ҳужжат web саҳифа дейилади.

PHP – ўз номини етарлича танитиб улгурган, дастурлаш тили ҳисобланади. Гап шундаки, бошланишда бу унча қийин бўлмаган шахсий WEB – саҳифаларини яратиш учун мўлжалланган оддий макрослар тўпламидан иборат бўлган бўлиб, PHP-personal home page (шахсий уй саҳифаси) сўзларининг қисқартмасидан иборат.

Тез орада у фойдаланувчилар назарига туша бошлади, ҳамда тезлик билан такомиллашиб, оммалашиб борди. 1997 йилдан бу тил устида програмистлар гуруҳи иш олиб боради.

Меҳнатларнинг самарасида эса PHP3 кейинги версия яратилди. Бу PHP нинг такомиллашган ва замонавий версия бўлиб, унда матнларининг қайта ишлашнинг янги усуллари яратилди ва бу усуллар Зиб Зураски ва энди Гутианс (Zeev, Surasky, Andi Ceutmans) исмли прогномистлар томонидан яратилди. Шунингдек тилнинг синтаксисида бироз ўзгаришлар киритилиб, янги функциялар қўшилди. Янги версия шу даврда сарвер учун дастурлдаш тилларининг энг зўри ҳисобланиб, жуда ҳам тез оммалашиб кетди.

MySQL маълумотлар базаси ва Apache сервери билан ишлаш учун PHP нинг имкониятлари янад кенгайил борди. Apache сервери хозирги кунда дунёдаги энг кенг тарқалган Web -сервер хисобланади ва PHP тили Apache сервери учун модул кўринишида қўлланилиши мумкин. MySQL- бу замонавий маълумотлар базаси бўлиб пулсиз (текин) тарқатилади, шунинг учун ҳам PHP нинг барча функциялари шу базага боғланган. Тан олигш лозимки Apache, MySQL ва PHP ларнинг ўзаро бир-бири билан боғлиқ равишда ишлаши ўртадаги рақобатга барҳам беради.

Бу эса PHP бошқа МБСИ билан ишламайди дегани эмас. Бу технология жуда МБСИ ва Web серверлар билан ишлаш имкониятига эга.

WEB саҳифаларни ва тармоқни яратиш йўллари ўзгариши билан PHP ҳам такомиллаша борди. 1990 -йил ўрталарига келиб катта тармоқларда ҳам HTML да ёзилган юзлаб статик саҳифалар ишлатилар эди. хозир эса жараён ўзгариб бормоқда. WEB саҳифаларини яратувчилар маълумотлар базаси билан ишловчи WEB саҳифаларни яратиш имконига эга бўлиб, фойдаланувчиларни қайта ишлаш имконига эга бўлган WEB саҳифаларни яратмоқдалар.

Маълумотларни сақлаш ва маълумотларга мурожат қилиш учун маълумотлар базасидан фойдаланиш янада актуаллашиб, мобил телефонлар, рақамли телевидения ва хоказолар. Турли хил қурилмаларда маълумотларни узатишда сифатни ўсишига эришишмоқда.

Бу фикрлар асосида айтиш мумкинки, келгусида PHP тили янада такомиллашиб ўзининг ўта юқори даражадаги дастурлаш тили эканлигини намоён қилади.

PHP турли хил системаларда ишлай олади. У система Windows, Unix нинг кўплаб версиялари, шунингдек Linux ва хатто Macintosh бўлиши мумкин. PHP кўплаб тармоқ серверларида, хусусан Apache, Microsoft Internet Information Server, Web Site Pro, Iplanet Web Server ва Microsoft Personal Web Server – ларда ишлаши мумкин. Агар ўзимиз тузган дастурларимизни Windows тизимида текширишни хоҳласак охирги санаб ўтилган сервердан

фойдаланишимиз мумкин, хатто Apache сервери Windows системаси бошқарувида ишласа ҳам.

PHP интерпретатори ёрдамида дастурни алохида мустақил кўринишда компиляция қилиш мумкин. У холда дастурни мустақил ишга тушириш мумкин. PHP тилини яратишда маълумотлар базаси билан боғланиш талабларини алохида эътиборга олинган. Кўплаб маълумотлар базаларини PHP да ўқиш мумкин. Масалан буларга Adabas D, InternetBase, Golid, dBase, mSQL, Sybase, Empress, MySQL, Velosic, FilePro, Oracle, Unixdbm, Informix ва хоказоларни келтиришимиз мумкин. Шунингдек, PHP ODBC стандартини ҳам ўқий олади. Ушбу қўлланмада эса биз Linux, Apache ва MySQL серверлар асосида фикр юритамиз. Бу учта дастурлар мажмуалари кенг фойдаланиш мумкин бўлган

PHP4 ни <http://www.php.net> тармоғидан олиш мумкин. Бунинг учун эса, алохида кредит карточка талаб қилинмайди.

PHP ни web-тармоғи прогномистлар учун ажойиб манба ҳисобланади. <http://www.php.net/manual> адресида бошқа прогномистларнинг изохлари, фикрлаш ва танқидий фикрлари келтирилган маълумотларни ва қўлланмаларни олиш мумкин. Бу қўлланмаларни турли хил форматларда олиш мумкин.

PHP.ini файли. PHP ни ўрнатиб бўлгандан сўнг, унинг настройкасини PHP.ini файли ёрдамида ўзгартириш мумкин. Агар компьютерга UNIX операцион системаси ўрнатилган бўлса, бу файл /usr/local/lib католоғида, агар Windows операцион системаси ўрнатилган бўлса, Windows католоғида жойлашган бўлади[7].

2.3. ТАТУ қошидаги 2-академик лицей веб сайтининг маълумотлар базасини бошқариш технологияси

Сайтни маълумотлар базаси MySQL тизимида яратилган бўлиб дастур PHP дастурлаш тилида ёзилган бўлиб, бир нечта жадваллардан иборат бўлиб маълумотлар янгиланиб боради. PHP тилининг энг ажойиб томонларидан бири, дастурчи маълумотлар базаси билан ишлашда жуда ҳам кўплаб қулайликларга эга бўлади. Бу маъруза давомида биз асосан MySQL системаси ҳақида фикр юритамиз. Лекин, албатта PHPнинг бошқа маълумотлар базаси асосида ишловчи системалар билан алоқасини ҳам бироз бўлсада кўриб ўтамиз. «Нима учун айнан PHP билан MySQL ўртасида ўзаро алоқани ўрганишимиз лозим. Бу система маълумоларни бошқариш системаси ҳисобланиб, у PHPнинг энг асосий манбаси ҳисобланади, ҳамда бу система бепул тарқатилади ва фойдаланишга ҳамда ўрганишга жуда ҳам қулай ҳисобланади. Булардан ташқари MySQL база билан ишловчи системани жуда ҳам кўплаб платформалари мавжуд. Агар бу система компьютеримизда мавжуд бўлмаса, биз уни <http://www.mysql.org> тармоғидан олишимиз мумкин. Мавзуни ўзлаштириш давомида эса, асосан қуйидагиларни ўрганамиз:

SQL инглиз тилидаги Structured Query Language ёки ўзбек тилидаги сўровлар асосидаги структурали тил сўзларининг қисқартмасидан ташкил топган. Бу тил турли хилдаги маълумотлар базасига мурожаат қилиш учун стандарт имкониятларга эга бўлган тил ҳисобланади. Кўплаб базалар бу тил асосида ўзининг версияларига ҳам эга. Лекин шунга қарамасдан SQL турли хил кўринишдаги маълумотлар базалари билан ишлаш имконини бера олади. Бу маърузада биз SQL билан ишлашнинг деярли барча имкониятларини кўриб ўтмасакда, асосий тушунчалари, SQL тилининг бир қисми ҳисобланган MySQL маълумотлар базаси билан ишлашни ўрганамиз. MySQL тизими бошқа (удаленный) компьютерлардаги фойдаланувчилар билан боғланиши

мумкин бўлган серверга эга бўлади. Серверга боғланиб биз ўзимиз учун керак бўлган базани топишимиз ва у билан ишлай олишимиз мумкин.

Базадаги маълумотлар ҳамيشа қандайдир жадвалга эга бўлган кўринишда бўлади. Ҳар бир жадвал эса, устун ва қаторлардан иборат бўлиб, ҳар бир ячейкада маълумотлар сақланади. Ҳар бир устунда эса, битта типга тегишли маълумотларни ёзилади.

Ахборотлар тизимларининг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Охириги фойдаланувчи ва маълумотлар базаси администраторининг ишини енгиллаштириш учун МББТ яратилган эди. Бу тизимлар маълумотлар базасини амалий дастурлардан ажратади. МББТ дастур ва аппарат воситаларининг мураккаб комплекси бўлиб, фойдаланувчи шу туфайли фақат маълумотлар базасини мантиқий ташкил этишнигина тасаввур қилади. Маълумотлар базасини мантиқий ташкил этиш уни физик амалга оширишдан (яъни ташкил этиш ва файлларни ишлашдан) сезиларли фарқ қилиши мумкин. Фойдаланувчиларнинг ихтиёрида талаблар тили бўлиб улар ёрдамида фойдаланувчилар маълумотларни танлаши ва ўзгартириши мумкин.

Мантиқий тузилишни физик (жисмоний)дан ажратиш ахборотларни тақдим этишнинг бир қанча босқичлари пайдо бўлишига олиб келди. Натижада турли босқичлардаги анча мураккаб дастурий таъминлаш юзага келди. Энг юқори босқичда талаблар тили аввалига бирор оралик процедура тилига узатилади. Бу процедура тили ёрдамида кейинчалик танлаш ва бошқа амаллар бажариш операциялар бажарилади. Процедура тили ўз навбатида бевосита бажариш учун машина тилига ўтказилади. Ахборотларни тақдим этиш босқичида алоқаларни сақлаш ва ташкил этишнинг барча хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Бу маълумотларга самарали ассоциатив киришни таъминлаш учун керак. Қидириш ишончли бўлиши учун кесишувчи алоқалар ва инвертациялашган рўйхатлар (ёки каталоглар) учун кўрсаткичлар тўплами каби механизмларни тизимга киритиш лозим.

Юқорида ишонч ҳосил қилганимиздек, бу хотираларнинг қўшимча сарфланиш, танлаш ва хизмат кўрсатиш вақтининг кўпайишини талаб қилади. Бундан ташқари, тузилмаларни қайта ташкил этиш хато қилиш хусусиятига эга бўлган дастурлар билан бажарилади. Тизимли дастурлар фойдаланувчиларга осон бўлмаганлиги сабабли, бундай хатоларни, маълумотларни тасдиқлаш операциялари орқалигина аниқлаш мумкин. Бу турли хил ахборот тузилмаларини самарали таъминлайдиган тизимларни лойиҳалашни қийинлаштиради.

MySQL — унча катта бўлмаган, ихчам, кўп йўналишли маълумотлар базаси сервери ҳисобланади. MySQL - фойдаланишда катта тезлиги, чидамлилиги ва осонлиги билан ажралиб туради. MySQL жуда катта миқдордаги маълумотлар базасини жуда тез қайта ишлаш зарурлигидек ички эҳтиёждан келиб чиқиб, ТсХ компанияси томонидан ишлаб чиқилган. Компания таъкидлашича, MySQL ни 1996 йилдан буён серверида 40 БД ортиқ билан фойдаланилади, таркибида 10000 жадвал мавжуд бўлиб, унинг 500 дан ортиғи 7 миллион сатрга эга. MySQL нинг имкониятлари[8]:

- MySQL ANSI 92 стандартидаги SQL сўровлар тилини қўллаб-қувватлайди, ва бундан ташқари ушбу стандарт бўйича бошқа ҳеч қандай СУБД да бўлмаган кўпгина кенгайтмаларга эга.
 - MySQL имкониятлари қисқача қуйидагилардан иборат:
 - Бир вақтнинг ўзида чегараланмаган миқдордаги фойдаланувчиларнинг маълумотлар базасида ишлаши қўллаб-қувватланади.
 - Таблицадаги сатрлар сони 50 млнга етиши мумкин.
 - Буйруқлар жуда тез бажарилади. Мавжуд серверлар ичида MySQL энг тез сервер бўлса ажабмас.
- Хавфсизлик тизими ҳам оддий ва самарали.
 - МББТлар қуйидаги талаблар жавоб бериши лозим:
 - ◆ маълумотларнинг мустақиллиги;
 - ◆ талабларнинг кучли тили;
 - ◆ жавобнинг қисқа вақти;

◆ маълумотлар ва каталогларни қайта ташкил этишни қисқартириш ёки улардан воз кечиш.

Маълумотлар базаси серверига боғланиш[8]. Ўзимизнинг алоҳида маълумотлар базамиз билан ишлашимиз учун албатта серверга боғланишимиз лозим. Бунинг учунг РНРда `mysql_connect()` функциясидан фойдаланилади. Бу функция 3 та аргументга эга бўлиб, улар компьютер номи, фойдаланувчи номи ва пароль ҳисобланади. Агар бу аргументларни ташкаб юбормоқчи бўлсак, у холда `localhost` компьютер талаб қилинади. Унда фойдаланувчи номи ва унинг пароли талаб қилинмайди, ҳамда бу компьютерда `mysqluser` ўрнатилмаган бўлади.

Албатта, бундай боғланиш катта аҳамиятга эга бўлмайди ва фақат сервер мавжудлигини аниқлаб олиш мумкин холос. Шунинг учун ҳам келгусида биз фойдаланувчи номи ва паролни бериб ишлашга ҳаракат қиламиз. `mysql_connect()` функцияси агар барча ишлаш тўғри яқунланса, боғланиш идентификаторини қайтаради. Бу идентификаторни бирор ўзгарувчида келгусида фойдаланиш учун сақлаб қўйиш мумкин.

Қуйидаги мисол маълумотлар базаси серверига боғланишга оид мисолни келтириб ўтамыз:

```
$link=mysql_connect("localhost", "root", "toor");  
if (! $link)  
    die("Couldn't connect to MySQL");
```

Агар РНР ни Apache сервери билан бирга ишлаётган бўлса, сервердаги маълумотлар базаси билан боғланиш учун `mysql_pconnect()` функциясидан фойдаланилиши мумкин. Дастурчи нуқтаи назаридан бу функцияларнинг вазифаси бир хил бўлсада, лекин бироз бўлсада фарқи мавжуд. Агар биз `mysql_pconnect()` функциясидан фойдаланаётган бўлсак, сервер билан боғланишда узилиш ҳисобига ҳеч нарса йўқотилмайди ёки `mysql_close()` функциясини ишлатмасак ҳам ортиқча йўқотишлар рўй бермайди.

Маълумотга мурожаат қилиш. Биз маълумотлар базасига ёзув қўшишни ўргандик, лекин уларни қандай ва қаердан ўқишни ҳам билишимиз

лозим. Бунинг учун SELECT типда SQL-сўровдан фойдаланиш лозим. Mysql_query() функция сўровида хатолик рўй бермаса, у холда маълумотни қайта ишлаш учун олинган идентификаторни бошқа функцияларга узатиш мумкин. Сўровда топилган ёзувлар сонини аниқлаш SELECT сўров бажарилиши натижасида ёзувлар сонини аниқлаш мумкин. Бунинг учун mysql_num_rows() функциясидан фойдаланилади. Бу функция сўров идентификатори берилади ва натижа сифатида эса ёзувлар сони қайтарилади. Қуйидаги мисолда domains жадвалидаги барча қаторлар сонини ва mysql_num_rows() функциясининг ўзи ёрдамида жадвалдаги аниқланган хажмни бериш келтирилади. mysql_num_rows() функцияси сўров идентификатори натижасини ва шу жадвалдаги элементлар сонини аниқлаб, унинг соини қайтаради.

Масофавий таълим портални яратишда Web дастурлаш технологиялари орасидан PHP дастурлаш тилини танлаб олдик. Бу дастурлаш тили билан қисқача танишдик. PHP дастурлаш тили маълумотларни сақлашда MYSQL маълумотлар омбори билан яхши ишлаганлиги учун маълумотлар базасини ҳам MYSQL да яратишга қарор қилдик. PHP компиляторини ишлатиш учун Apache Web сервердан фойдаланилади.

Сайтнинг маълумотлар базасини бошқариш технологияси

Маълумотлар базаси – ахборотлар тизимларининг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Охирги фойдаланувчи ва маълумотлар базаси администраторининг ишини енгиллаштириш учун МББТ яратилган эди. Бу тизимлар маълумотлар базасини амалий дастурлардан ажратади. МББТ дастур ва аппарат воситаларининг мураккаб комплекси бўлиб, фойдаланувчи шу туфайли фақат маълумотлар базасини мантиқий ташкил этишнигина тасаввур қилади. Маълумотлар базасини мантиқий ташкил этиш уни физик амалга оширишдан (яъни ташкил этиш ва файлларни ишлашдан) сезиларли

фарқ қилиши мумкин. Фойдаланувчиларнинг ихтиёрида талаблар тили бўлиб улар ёрдамида фойдаланувчилар маълумотларни танлаши ва ўзгартириши мумкин. **Жадвал** реляцион модел маълумотлари (объекти)нинг асосий тури ҳисобланади. Жадвалнинг тузилиши устунларнинг йиғиндиси билан белгиланади. Жадвалнинг ҳар бир сатрида тегишли устунга мос келувчи биттадан мазмун жойлашган бўлади. Жадвалда иккита бир хил сатр бўлиши мумкин эмас. Сатрларнинг умумий сони чегараланмаган [7].

Устун маълумотларининг баъзи таркибий қисми – **атрибутга** мос келади. Атрибут маълумотларнинг энг оддий тузилмасидир. Жадвалда юқорида кўриб ўтилган тармоқли ва иерархик моделлардаги каби кўп таркибий қисмлари гу-руҳ ёки такрорланувчи гуруҳ кабилар белгиланиши мумкин эмас. Жадвалнинг ҳар бир устини маълумотлар тегишли таркибий қисми (атрибут)нинг номига эга бўлиши керак. Маъноси жадвал сатрига тенг бўлган бир ёки бир нечта атрибутлар жадвалнинг **калити** ҳисобланади.

Тарихий шахар ва обидалар динамик сайтинг маълумотлар базаси қисмини яратиш учун Mysql маълумотлар омборини танлаб олинди. Ушбу маълумотлар омборида сайт учун керакли бўлган маълумотларни жойлаш учун маълумотлар базаси ва у база ичида жадвалларни жойлаштириш керак.

3. ТАТУ ҚОШИДАГИ 2-АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ВЕБ САЙТИНИНГ АМАЛИЙ ТАДБИҚИ

3.1. Фойдаланувчи йўриқномасини ишлаб чиқиш

Сайтга кириш учун ихтиёрий браузер орқали ёрдамида, браузернинг манзил сатрига сайт манзилини ёзиш билан сайтга кириш мумкин.

Сайтни яратиш мобайнида дизайн қисмига алоҳида эътибо қаратилди ва уни ўқувчилар талабани қондириш мақсадида танлаб олинди. Сайтимизни умумий кўриниши қуйидагича:



3.1-расм. Сайтнинг умумий кўриниши

Сайтни умумий кўринишида асосан очканимизда биз ҳамма менюлар панели кўринади ва биз ундан фойдланамиз учун қулай тарзда жойлаштирилган. Шуларни ҳисобга олганда маълумотлар 3 хил тилда мавжуд. Булар рус, ўзбекча, инглизчалардир. Ҳозирги кунда талаб асосан сайтни тилларини кўпайтириш ва ундаги маълумотларни доимий янгилаб бориш администратор вазифасига киради ва бу нарсани кундалик иш деб караш керак. Биз ўйлаймизки ушбу сайтдан фойданувчилар ўзларига керак маълумотлар топа оладилар. Сайтимизни менюларини жадвал асосида келтирилган ва уларнинг вазифаси берилган.

Юқоридаги 3.1 - расмда сайтнинг умумий кўриниши келтирилган бўлиб бунда сайтнинг ҳамма менюлари кўриниб туради. Чап тарафда сайтнинг қўшимча менюлари жойлашган.



3.2-расм. Сайтнинг асосий ва қўшимча менюлар кўриниши

Сайтга Таълимий-тарбиявий ресурсларни жойлаштириш учун қатъий техник талабаларга мос бўлиши зарур. Бунинг учун аввалдан мультимедиа файлларининг ўлчами ва шакллари бўйича маълум имкониятлар яратилиши керак:


- расмли ва тасвирли файлларнинг типи ва компрессиянинг имконияти;
- овозли файлларнинг типи, компрессиянинг имконияти;
- видеофайлларнинг типи, компрессиянинг имконияти;
- анимацияларни яратиш;

- кўриш учун дастурий таъминот яратиш.

Материаллар стандарт дастурий ва аппаратли таъминотга, хусусан, 600*800 пикселли экранда кўришга мослашган бўлиши керак.

Сайтни асосий қисми бўлган “кафедралар бўлими” академик лицейда ҳозирги кунда мавжуд бўлган кафедралар фаолияти билан танишга мўлжалланган. 3.3 – расмга асосан лицейда қуйидаги кафедралар фаолият кўрсатмоқда. Булар:

- Информатика кафедраси
- Математика кафедраси
- Физика кафедраси
- Ижтимоий – гуманитар фанлар кафедраси
- Чет тиллари кафедраси



3.3-расм. Академий лицейнинг кафедралар менюси


Бунда ҳар бир кафедра ҳақида маълумот олиш учун “Кафедралар” саҳифасига сичқонча курсори олиб борилади ва пайдо бўлган менюдан мос кафедра танланади ва бунда кафедранинг фаолияти, структураси, ўқитадиган фанлари ва ўқитувчилари ҳақида маълумот олиш мумкин бўлади. Бундан

ташқари сайтнинг бошқа саҳифаларидан юқорида айтилгани бўйича саҳифага мос маълумотларни олиш мумкин бўлади.

Ўз навбатида сайтимизнинг “админ” қисми мавжуд бўлиб, админ қисми орқали сайтдаги маълумотларни бошқариб бориш мумкин бўлади. Бунинг учун қуйидаги веб манзилдан фойдаланилади, (изоҳ: сайтнинг локал қисмидан фойдаланиб кўрсатилади):

<http://localhost/tatu-al/index.php/user/login>

Демак, ушбу манзилни ёзганимиздан кейин қуйидаги ойна пайдо бўлади ва бу ердан “админ” ойнасига кириш мумкин бўлади.



Login
Please fill out the following form with your login credentials:
*Fields with * are required.*

username or email *

password *

[Register](#) | [Lost Password?](#)

Remember me next time

3.4 – расм. “Админ” ойнасига кириш

“Админ” ойнасига кириш фақат админ учун бўлганлиги сабабли ойнадаги сўзлар инглиз тилида келтирилган. Ойнадаги кўрсатилган майдонларга мос ҳолда маълумотлар киритилади ва “Login” тугмаси босилади. Админлар сони бир нечта бўлган ҳолатда админлар рўйхатдан ўтказилади, бунинг учун 3.4 – расмда кўрсатилган “Registr” тугмаси босилади ва бунда қуйидаги 3.5 – расмдаги ойна ҳосил бўлади. Ушбу ойнадаги мос майдонлар жумладан, фойдаланувчи номи, махфий сўзи, элекрон почта манзили, исм – фамилияси, туғилган йили ва каптча тасвиридвги символлар кетма – кетлиги киритилади ва “Registr” тугмаси босилади. Агар кўрсатилган майдонлар талабга мос тўлдирилган бўлса,

фойдаланувчи – админ рўйхатдан ўтказилади, акс ҳолда хатоликни кўрсатиб, белгиланган майдонларни тўғри тўлдиришни сўрайди.

Registration
*Fields with * are required.*

username *

password *

Minimal password length 4 symbols.

Retype Password *

E-mail *

First Name *

Last Name *

Birthday

Verification Code

loyhfoj

Please enter the letters as they are shown in the image above.
Letters are not case-sensitive.

Register

3.5 – расм. Фойдаланувчи – админ ларни рўйхатдан ўтказиш ойнаси

3.2. Сайтнинг амалий самадорлиги

Ушбу академий лицейда таълим олаётган ўқувчилар ва фаолият олиб бораётган профессор – ўқувчилар учун мўлжалланган. Лицей сайтини ва интернет тармоғи тизимида фойдаланишлари мумкин. Бу тизимнинг яна бир афзаллик томонларидан бири бу ўқувчилар учун ҳар доим АКТ янгиликлари ва қизиқарли маълумотлар билан бойитиб бориш зарурдир.

4. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ

4.1. Ишлаб чиқариш муҳитида микроклимнинг инсон организмга таъсири

Микроклим шароит иссиқ ишлаб чиқариш биноларда учта асосий йўналиш бўйича нормалаштирилади; ҳаво ҳарорати, ҳаво ҳаракатчанлиги ва нисбий намлик бўйича.

Иссиқ ишлаб чиқариш биноларини режалаштиришда, уларнинг бўлаклари (участкалари) соф тоза ҳаво билан таъминланиши эътиборга олиш керак. Шу мақсадда иссиқлик ишлаб чиқариш биноларини бўлақларга бўлинишга йўл қўймаслик керак. Чунки кўп бўлакли иссиқ ишлаб чиқариш биноларини ўрта бўлақлари яхши шамоллайди. Соф ҳаво ўрта бўлақларга етиб боргунча исиб қолади.

Соф тоза ҳамма ерга бирдан етиб бориши учун ишлаб чиқариш бинолари ичидаги ҳар хил қурилмаларни бир жойга қурилишига йўл қўймаслик керак. Бу қурилмаларни бир-биридан ва девордан маълум бир масофада қуриш керакки уларни орасидан соф ҳаво бемалол ўтиб бинони яхши шамоллатишга имкон яратиб берсин. Бундай қурилмаларни иссиқ ишлаб чиқариш биноларидан ажралган ҳолда қуриб уларни ингичка коридор билан бирлаштирилса яна ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

Иссиқ ишлаб чиқариш биноларини яхши шамоллатиш мақсадида ишлаб чиқариш жиҳозларини жойлашишга ҳам эътибор берилади. Ўзидан иссиқлик чиқарадиган ишлаб чиқариш жиҳозлари бир-бирига параллел жойлашмаслиги керак, чунки уларни ўртасидаги майдон ва иш жойлари иссиқ ҳаво таъсири остида бўлади. Ташқаридан келадиган соф ҳаво эса бу иш жойларига қизиган ҳолатда етиб келади.

Гигиена нуқтаи назардан, ўзидан иссиқ чиқарадиган жиҳозларни ромлар ўрнатилган ташқи девор бўйлаб жойлаштириш керак. Иссиқ жиҳозлар яқинида совуқ иш жойлари бўлмаслиги керак.

Ёз (пайтларида) фаслида қуёш нурларидан қизиган бино томлари иссиқликнинг ичкарига ўтказмаслиги учун уларни қуёш нурларидан қизишига йўл қўймаслик керак. Қуёш нурларини таъсирини камайтириш мақсадида баъзи-бир тадбир чоралар амалга оширилади. Бу тадбир чоралар ичида энг самаралиси бутун том бўйлаб сувни мухсус пургагичлардан жуда майдалаб сепишдир.

Бино ичига кирадиган ҳавони совутиш учун иссиқ ҳаво кирадиган иссиқ жойларда, деразаларда ва бутун бинонинг юқори қисми бўйлаб сувни майдалаб сепиш керак, агар ишлаб чиқиш жараёнига зид бўлмаса.

Иссиқ ишлаб чиқариш биноларидаги меҳнат шароитини яхшилашда ишлаб чиқариш жараёнини механизациялаштириш ва автоматизациялаштириш жуда катта аҳамиятга эга. Механизация ва автоматизация ёрдамида биз фақат оғир қўл меҳнатини механизмлар ва автоматлар билан алмаштириб қолмасдан, ишчиларни хавфли ва иссиқ иш жойларидан олиб чиқишга эришамиз. Иссиқ ҳавога қарши кўриладиган тадбир чоралар уни ажралиб чиқишини камайтиришга қаратилган бўлиши керак. Чунки уни ажралиб чиқишини камайтириш, уни йўқотишга қараганда осонроқ. Иссиқ ҳавони ажралиб чиқишини камайтиришга тақдбир чораларни энг самаралиги иссиқлик чиқадиган манбаларни асосий ишлаб чиқариш зонасидан ажратиб қўйишдир. Агар ажратиб қўйишни иложи бўлмаса унинг сатхиларни экранлаштириш ва бошқа санитария нормаларини қўллаш керак бўлади.

Иссиқлик чиқарадиган манбаларни асосий ишлаб чиқариш зонасидан ажратиб қўйиш учун уларни иссиқликни ўтказмайдиган материаллар билан ўраб қўйиш керак. Бундай материалларга ичи ковак ғишт, ганч, махсус тупроқ билан аралашган ганч қоришмалари киради.

Иссиқлик ажралиб чиқишга қарши қўлланадиган чора-тадбирлардан бири, иссиқлик ажратадиган жихозлар сатхини сув билан совутишдир. Шу мақсадда сув кўлмакчалари ёки иссиқлик чиқарадиган жихозларни сатхини ўраб турган трубкачалар қўлланилиб, бу трубкачалар ичидан совуқ айланиб

туради. Иссиқлик манбаларини тўсиш (экрانشтириш) учун баландлиги 2 метрдан паст бўлмаган тўсиқлар (шитлар) қўлланилади. Бу тўсиқлар иссиқлик манбалари 5-10 см масофада уларга паралель урнатилади.

Инфрақизил нурларини таъсирдан меҳнатчиларни ҳимоя қилиш учун бир-қанча махсус қурилма ва мосламалар қўлланилади. Булар хилма-хил конструкцияли тўсиқлардан иборат бўлиб, меҳнатчиларни нурланишдан ҳимоя қилади. Бу тўсиқлар инфрақизил нурлари манбаи билан меҳнат жойлари ўртасига ўрнатилади. Нурланишга қарши қўриладиган баъзибир чоралар орасида самаралиги сув пардалари бўлиб, инфрақизил нурларини тўсиқ ютади.

Ишлаб чиқариш биноларида иссиқ ҳавога қарши вентиляторлардан фойдаланиш ҳам катта аҳамиятга эга. Шу мақсадда биноларда стол вентиляторидан тортиб аэрциягача маҳаллий вентиляциядан умумий алмашиш вентиляциясигача қўлланилади.

Рационал жиҳозланган дам олиш жойлари ҳам иссиқ ҳавони таъсирга қарши кўрашда муҳим аҳамиятга эга. Бундай дам олиш жойлари асосий иш жойлари яқинида ташкил қилиниши керак, чунки ишчилар қисқа муддатли танаффусларда ҳам дам олиш имкониятига эга бўладилар.

Меҳнат гигиенаси ва касб касаликлари институти томонидан металлаштирилган газмол яратилган бўлиб бу ишчиларни инфрақизил нурланишдан ҳимоя қилади. Бу газмол ишчиларни махсус иш кийимларини инфрақизил нурлар кўп тушадиган участкаларига тикиб қўйилади.

Ишчиларни юзини инфрақизил нурлардан ҳимоя қилиш учун металлш сеткалардан фойдаланилади. Бу металл сеткалар бошга ёки бош кийимига ўрнатилган бўлади. Металл сеткалар ишчиларни юзини нурланишини 2-2,5 марта камайтиради ва учқун сакрашидан сақлайди.

Кўзни ультрабинафша нурларидан ҳимоя қилиш учун эса ишчиларга махсус ёруғликни филтёрлайдиган (светофилт) кўз ойнаклар берилади.

Иссиқ ишлаб чиқариш биноларида шахсий гигиена ҳам ишчиларни иссиқ ҳаво таъсирдан сақлашда муҳим роль ўйнайди. Шахсий гигиена

ишчилар организмни қизиб кетишига, чарчашга йўл қўймасликка ва терини йирингли касалликлар билан касалланмаслигига қаратилгандир.

Иссиқ ҳавони таъсирига қарши кўриладиган тадбир чораларни асосийси баданни сувда ювишдир. Баданни сувда ювиш натижасида организм тез совийди, ўзгарган физиологик функцияларни тез тиклайди ва бадандан чанг билан терни ювади. Шу мақсадда иссиқ иш жойларини яқинида ўрнатилган ярим душлардан фойдаланилади.

Совуқ ҳавога қарши кўриладиган тадбир чоралар асосан шахсий ҳимояга қаратилган. Совуқда ишлайдиган ишчиларга махсус иссиқ кийимлар ва иссиқ оёқ кийими берилиши керак. Очик жойдаги иш жойлари иложи борича шамолдан ҳимоя қилиниши керак, ишчиларга ишга ёпик машиналарда ташиш ва уларга исиниб олиши учун иссиқ дам олиш хоналари ташкил қилиниб, қисқа муддатли танаффуслар ўрнатилиши керак.

Инсон организми ҳаво ҳароратининг жуда катта ўзгаришга мослаша олади. Чунки одам организмида узлуксиз равишда иссиқлик пайдо бўлади ва у ташқарига ажралиб чиқиб туради, бунинг натижасида иссиқликнинг пайдо бўлиши ва сарф қилиниши орасидаги доимий нисбат ҳамда ҳарорат бир хил даражада сақланиб туради. Бу физиологик жараён эса организмнинг иссиқлик алмашуви дейилади.

Одам организмида узлуксиз пайдо бўладиган иссиқлик ташқарига уч хил йўл билан чиқади: конвекция, нур тарқатиш ва терлаш. Нормал микроклимда (ҳаво ҳарорати 20С атрофида) конвекция йўли билан 30% атрофида, нур тарқатиш йўли билан 45% атрофида, терлаш йўли билан эса 25% атрофия организмдан иссиқлик ажралиб чиқади.

Ҳаво ҳарорати юқори бўлганда ёки ҳавода инфрақизил нурлар бўлганида, организмнинг нормал иссиқлик ажралиб чиқиш жараёни бузилади. Агар ҳаво ҳарорати тенг ёки ундан ортиқ бўлса, организм ўзидан конвекция йўли билан иссиқлик чиқара олмайди. Бордию бунинг устига ҳавога қизиган жисмлардан инфрақизил нурлар ажралиб чиқиб турган бўлса,

организм ўзидан нурланиш йўли билан иссиқлик чиқара олмайди. Бундай ҳолларда организмнинг иссиқлик алмашуви жуда қийинлашади, чунки организмдаги ортиқча иссиқлик фақат терлаш йўли билан ташқарига чиқади. Ҳаво намлиги юқори бўлган шароитда эса организмдан терлаш йўли билан чиқадиган иссиқлик қийинлашади ва организмдан ортиқча иссиқлик конвекция ва нур тарқатиш йўли орқали чиқади.

Ноқулай иқлим шароитида организмнинг иссиқлик алмашуви жараёни бузилиши (ўзгариши) натижасида, организмдаги ҳаётий зарур аъзоларнинг нормал ишлаши қийинлашади ва физиологик функциялари ўзгаради.

Юқори ҳарорат юрак ва қон томир системасига жуда катта таъсир кўрсатади. Юқори ҳарорат таъсири натижасида қон томир уруши тезлашади ва организм ҳарорати кўтарилишига сабабчи бўлади. Бу эса организм иссиқлик алмашувининг бузилишидан дарак беради.

Юқори ҳарорат таъсири натижасида қон босими пасаяди, қоннинг кимёвий таркиби ўзгаради. Иссиқ ҳаво таъсирида организмдан суюқликлар билан бир қаторда жуда кўплаб газлар ҳам ажралиб чиқади. Организмнинг сув тузи баланси бузилиши натижасида кишилар томир тортиш касаллигига учрашлари мумкин.

Юқори ҳарорат овқатланиш аъзоларига ва витамин алмашувида ҳам ёмон таъсир қилади. Кишилар жуда иссиқ ҳаволи муҳитда узоқ муддат ишлари натижасида улар организми қизиб кетиши мумкин, яъни иссиқ уруши мумкин.

Бутун организмнинг ортиқча қизиб кетишидан пайдо бўлган иссиқ урушидан офтоб урушини фарқ қилиш керак. Офтоб уруши иссиқлик нурларининг тўғридан-тўғри бошга таъсир қилишдан ва бош миянинг 40-42 градусгача иссишида пайдо бўлади. Бунда тана ҳарорати нормал ҳолда қолиши ёки салгина кўтарилиши мумкин. Баъзида офтоб-иссиқ урушининг аралаш формалари учрайди.

Совуқ ҳавонинг организмга таъсири жуда яхши ўрганилмаган, шу нарса маълумки совуқ ҳавонинг таъсири натижасида организмларнинг ҳар

хил бактерияларга бўлган қаршилиги сусаяди. Натижада кишилар грипп, нафас олиш йўллари шамоллаши, ўпка шамоллаши, нервни ва бош мияни шамоллаши касали билан касалланадилар. Шунинг учун ҳам бу касалликлар шамолланиш касаллиги деб аталади.

